Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 192 (21. 059) 1991 йил 2 октябрь, чоршанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ХИРМОНИНГИЗГА БАРАКА, АЗИЗ ПАХТАКОРЛАР!



● СУРХОНДАРЕ вилоятининг У. Юсупов номли давлат хўжалиги илғор механизатори Зокир Абдураҳмонов ўз агрегати бункеридан 120 тонна пахта тўкишга ахд қилган.

И. ХУЖАЕВ олган сурат.

● РОМИТАН районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги илғор механизаторлари теримда барчага намуна бўлишмоқда.

Ўнгдаги суратда: Санам Сафарова ва Матлуба Камолова. Улар мавсумда 90—100 тоннадан пахта териб беришга ахд қилишган.

М. ҒУЛОМОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

ҚЎЛ БИЛАН... 150 ТОННА

Ангор районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги аъзоси Х. Баратованинг жаъми терган пахтаси 150 тоннадан ошди.

Шунча пахтани Ҳадича машина билан эмас, қўл билан терди. Бу гапга ишонишингиз учун қуйидагиларни илова қиламиз: Ҳадичанинг 1968 йилдан буён чевар теримчи, деган номи бор. Ленин орденига сазовор бўлган. У ҳозир 6 фарзанднинг онаси. Чечан, саранжом-саришта уй бекаси. Ҳар икки кунда тандир тўлдириб нон ёпади, овқат қилади, кир ювади. Шу билан бирга пахта теришда ҳам бошқаларга ўрнак. Бу йил ҳам шундай: 30 иш кунида фарзандларини теварагига олиб, 6 тоннадан ошириб пахта терди.

О. УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ер тўймагунча, эл тўймас, деб беҳудага айтишмаган. Касбим агроном эмасми, жамоа бошқаруви раислигига сайлангаимдан кейин бу қоидага қатъиян амал қилишга интилдим. Бутун куч-ғайратимни мана шу мақсадга сафарбар этдим.

Мутахассисларимиз олдига қўйилган энг муҳим талаб тупроқ тузилишига асосланиб, ерга органик моддаларни зарур миқдорда киритиш, барча агротехник тадбирларни қатъий муддатларда амалга ошириш бўлди. Барчанинг меҳнатига мана шу мезонга қараб баҳо бердик.

Она ер бўлса бунга жавобан бағридаги жавоҳирлар ҳазинасини очди. Бу йил жумҳуриятда биринчилардан бўлиб ғалаба маррасига эришдик. 795 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнердан ҳосил кўтарилди. 2258 тонна пахтанинг деярли ҳаммаси биринчи ва иккинчи навлар билан давлат қабул пунктига топширилди.

ҲОСИЛ БАРАКАСИ

ОЛОТ РАЙОНИДАГИ Ф. ХЎЖАЕВ НОМЛИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ЙИЛЛИК МАРРАГА ЕТДИ

Эришилган меҳнат зафарига Ю. Эргашев, З. Аҳатов, Ҳ. Чўлиев сингари механизаторлар қўшган ҳисса айниқса баракали бўлди. Уларнинг ҳар бири ҳозиргача хўжалик хирмонига 120—130 тоннадан ҳосил тўкди.

Э. Қосимов, М. Хўжакелдиев, Ҳ. Имомов, С. Аҳадов сингари уста деҳқонлар бошлиқ бригадалар ҳозиргача 30—35 центнерлик ҳосилни даладан йиғиштириб олишди. Р. Эргашева, Н. Ҳайдарова, М. Ҳайитова, С. Шониёзова сингари кўпмингкилограммчи қизларимиз айниқса ғайрат кўрсатишмоқда.

Она ер эса саховатини аямяпти. Пахта майдонларимизда ҳосил кўп. Биз жумҳуриятимизнинг мустақиллик ёруғ йўлига чиқишига жавобан яна 400 тонна ҳосилни умумхалқ хирмонига топширамиз. Ҳосилдорлик гектар бошига 33,5 центнерга етказилади.

Исмонл СОБИРОВ,
Олот районидаги Ф. Хўжаев номли жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Ғузор районидаги Ленин номли давлат ширкат хўжалиги деҳқонлари давлатга пахта топшириш бўйича йиллик режани муддатидан илгари ошириб адо этдилар. 950 гектар майдондан режадаги 2200 тонна ўрнига 2300 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Гектар бошига ҳосилдорлик ўртача 23,7 центнерга етди. Етиштирилган ҳосилнинг 96 фоизи биринчи навга топширилди.

Қўлга киритилган муваффақиятга Н. Сатторов, М. Пардаев, Т. Авазов, Т. Муродов, Н. Самиев, М. Маханов, А. Чорнев, Э. Абдураҳимов, Ғ. Фармонов бошлиқ бригадалар аъзолари катта ҳисса қўшдилар. Мазкур жамоаларда ҳар гектар ердан 30—35 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

М. КАРОМОВ.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

1 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев Бангладеш Халқ Республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Мустафизур Раҳмонни қабул қилди.

Меҳмон Республика парламенти фаолияти билан таништирилди. Суҳбат чоғида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон мустақилликни эълон қилгандан сўнг хорижий мамлакатлар билан бевосита алоқаларни йўлга қўйиш учун катта имкониятларга эга эканлиги таъкидланди.

Элчи Бангладеш савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришдан ҳам манфаатдор эканлигини қайд этди.

Ноябрь ойида Ўзбекистонда Бангладеш савдо-саноат кўргазмасини ўтказиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Икки республика ўртасидаги иқтисодиёт ва маданият соҳасидаги бевосита алоқаларни ривожлантириш, Бангладеш фуқароларига Ўзбекистон олий ўқув юртларида таълим беришни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова иштирок этдилар.

Суҳбатда, шунингдек Бангладешнинг СССРдаги элчихонаси маслаҳатчиси Мофазел Хусайн ҳам қатнашди.

(ЎзТАГ).

Наманган вилоятида пахта йиғим-терими қизғин паллага кирмоқда. Пахта пайкалларида терим машиналарининг сони кундан-кунга ортиб, йўлларда турна қатор «оқ олтин» карвонлари сафи тобора кенгайиб боряпти. Вилоятда пахта теримига биринчи бўлиб киришган Поп, Уйчи, Учқўрғон, Наманган районларида иш қизғин. Тўрақўрғон, Норин, Задарё ва бошқа районларда ҳам терим суръатига суръат қўшилмоқда.

ЭРТАНГИ КУН ҚУТЛУҒ БЎЛАДИ

Репортаж

Поп райони пахтакорлари илиқ, офтобли кунларнинг ҳар дақиқасини ғаниматбилиб меҳнат қилмоқдалар. Айни пайтда деҳқонни уйидан, қишлоқ хўжалик соҳаси мутахассисларини ҳам идорадан топиш амри маҳол. Шу боис биз ҳам тўғри далага йўл олдик. «Поп», «Найман» давлат хўжаликлари ҳудудидан ўтиб боряпмиз. Йўлнинг икки четидаги кафтдек текис далаларда оппоқ пахталарни кўриб кўзингиз қувонади. Одамларнинг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир йўл четида прицепга пахта юклаётган бўлса, бошқаси унинг устини ўраб, йўлга ҳозирлаш билан овора.

Кутганимиздек, район Кенгаши раиси Б. Рапиғалиев, район агросаноат уюшмаси раиси Й. Қўлдошевларни пахта далаларида учратдик.

— Республикамиз мустақил бўлган йилда ҳар қачонгидан юқори ҳосил олмасак бўлмайди, — дейди Бургутали Рапиғалиев биз билан суҳбатда. — Бу йил районимиз деҳқонлари режадаги 47 минг ўрнига 50 минг тонна пахта йиғиштириб олишга бел боғлашган.

Йўлдошали Қўлдошев билан «Навбаҳор» давлат хўжалиги пахтакорлари ҳузурига йўл олдик. Хўжаликнинг биринчи бўлими дала шийпонига келишимиз биланоқ тўладан келган бир йигит шошиб келиб, сўрашишга ҳам улгурмай Йўлдошали акага қараб: «Теримган пахтани ташиб улгуролмай ерга тўкишга мажбур бўляпмиз, техникадан ёрдам бермасангиз бўлмайди», дея «ҳасрат» қила бошлади. Ҳамроҳимиз ҳозир шу битта бўлимнинг ўзида тўртта «Колхида», 16 та трактор, ҳаммаси бўлиб 20 та техника пахта ташиётганлигини, агар улар ҳам улгуролмаётган бўлса, яна бир-иккита прицеп юборишни ваъда қилгачина у сал ҳовуридан тушди. Бу йигит биринчи бўлим бошқарувчиси Ғофиржон Қўчқоров экан.

— Бу йил меҳнатимизга яраша мўл ҳосил яратдик. Энди ҳамма гап уни тез кунда ёғинсочинга қолдирмай йиғиштириб олишда, — деди Ғ. Қўчқоров. — Шу боис биз ҳар йили техникага эўр берамиз. Бўлимимизнинг 460 гектар еридаги ҳосилнинг ҳаммаси машинада терилади. Айниқса, ишни оилавий пудрат асосида ташкил қилганимиз яхши самара бермоқда. Шу кунларда кўплаб пудратчиларимиз биринчи теримдаёқ режани ортиғи билан бажардилар. Куни-кеча Ш. Бектемировлар оиласи биринчи теримни тугатди. 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Режа эса 29 центнер эди. Ҳозир бу оила йил охиригача ҳосилдорликни 42 центнерга етказиш учун ҳаракат қиляпти. Шунингдек, Й. Бекмуродов, М. Аҳмедов, Р. Меliев лар ҳам биринчи теримдаёқ йиллик режани ортиғи билан уддалашди. Ўтган йили бўлимимиз ўн иш кунида йиллик режани бажарганди. Йил охирида эса ишчилар бир сўмига 2 сўм 51 тийиндан қўшимча ҳақ олишган. Мана бу йил ҳам режани бажариш арафасида турибмиз. Даромадимиз эса албатта ўтган йилдагидан яхши бўлади.

«Найман» давлат хўжалиги далаларида ҳам одамларнинг кайфияти чоғ, кўтаринки руҳда меҳнат қилишмоқда. Хўжаликнинг Н. Муталиев бошлиқ бўлими дала шийпонида 4—5 киши пахта юкламоқда. Шийпон олдига прицеплар қўйилган. Бункери тўлган терим машиналари пешма-пеш келиб турибди. Пайкалларни кўздан кечирар эканмиз, эгатларда ерга тўкилган пахтани кўрмадик. Ажабланганимизни кўрган совхоз директори А. Зиёев бир воқеани айтиб берди.

— Ўтган йили машина терими тугаганда шаҳардан ёрдамчилар келишди. Уларни у пайкалга олиб бордим, бу пайкалга олиб бордим. Лекин барибир ҳашарчилар ишлашдан бош тортишди. Бу ерларни биздан олдин тозалаб кетишибди-ку. Нима подбор терганн келганмизми? — деб чуғурлашди.

Чиндан ҳам Акмалхон аканинг гапида жон бор. Бу ерга келиб кўрмаган одам ҳамиша танқидга учраб келаётган терим машиналаримизнинг шу қадар сифатли ишлашига унча ишонмайди. Хўш, бунинг сири нимада?

— Машина теримига йил бошидан пухта тайёргарлик кўрамиз, — дейди Йўлдошали ака.—Ғўза эрта баҳордан машинабоп қилиб ўстирилди. Мана кўриб турибсиз пайкалларда бирорта ҳам бегона ўт йўқ. Ғўза барги яхши тўктирилган. Бундан ташқари ҳар бир терим агрегати ўта синчковлик билан мавсумга тайёрланган.

Поп районининг бошқа хўжаликларида ҳам пахтакорлар сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Бу эса ўз самарасини кўрсатаётир. Районда давлатга кунига йиллик режанинг 4—5 фоизи ҳисобида «оқ олтин» топширилмоқда. Илғор хўжаликлар йиллик режанигина эмас, балки мажбуриятни ҳам муддатидан илгари бажариш учун курашмоқдалар.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида

ЭРКИНЛИК РУҲИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси жумҳуриятимиз мустақиллиги эълон қилинганидан кейинги биринчи сессия. У ниҳоятда жўшқин, ошкоралик ва эркинлик руҳида ўтганлиги билан олдинги сессиялардан фарқ қилди. Сессия адолат шабадалари ўлкамизнинг энг чеккаларига етибгина қолмай, халқ депутатларининг шуури, қалбига сингиб бораётганлигини кўрсатди. Эркинлик сари, мустақиллик сари дадил қадам қўяётганлигимизни билдирди.

Депутатлар сессия кун тартибига қўйилган масалалар атрофида эркин, ошкора баҳс-мунозара қилдилар. Улар ўзларини ҳаяжонлантираётган муаммолар, қалбларини тўлқинлантираётган долзарб масалалар бўйича ўз фикрларини аниқ, очиқ-ойдин баён этдилар. Танаффус пайтида рўзномамиз мухбири Машҳура МИРЗАМУҲАМЕДОВА халқ депутатлари билан мулоқотда бўлди.

Этамберган ҲАКИМОВ — 471-Аваз Ўтар сайлов округидан: — Бугунги сессиямиз кун тартибига қўйилган масалалар ниҳоятда муҳим ва долзарб. Афсуски бу масалалар депутатларга олдиндан етказиб берилмади. Шундай қилинганда сессия бундан ҳам қизғин ўтиши мумкин эди. СССР Олий Кенгаши палаталари таркибига Ўзбекистон Республикасидан вакил қилиб юбориладиган СССР халқ депутатлари, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари номзодлари ҳар томонлама, атрофлича муҳокама қилинганлиги, Ўзбекистоннинг шаънини, мустақиллигини ҳимоя қилишга қодир, халқ дарди билан яшовчи кишилар танланганлиги мақсадга мувофиқ бўлди. Президент сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилаётганлиги ва бу қонун кейинги сессияда қабул қилинишини маъқуллайман. Чунки бу — республикамиз ҳаётидаги муҳим масала. Шунинг учун ҳам бу ишга жиддий ёндашишимиз керак. СССР Олий Кенгаши палаталари таркибида иш олиб борувчи Ўзбекистон вакиллари орасида Республика вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари Комитетининг раиси Э. Х. Халилов каби ўртоқлар кўрсатилганлигини маъқуллайман. Чунки, улар республикамиз ва халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишга қодирдирлар.

Бизнинг суҳбат

Ҳасан МАНСУРОВ, 125-Киров сайлов округи: — Бу сессияга республикамиз ҳаётидаги энг долзарб масалалар қўйилган. Республика Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун ҳавола этилганлиги, шундан кейин уни пухта ишлаб чиқиш ҳамда сайловчиларнинг фикрларини ҳисобга олиб Республика Олий Кенгаши муҳокамасига киритишга қарор қилинганлиги жуда тўғри бўлди. Чунки қонун ҳали қнёмига етмаганлиги, мукаммал ва пухта ишлаб чиқилмаганлиги сезилиб турибди. Қонунда шундай моддалар борки, уларни ҳали ўйлаб кўриш керак.

Ким Ўзбекистон президенти бўла олади деган саволга шахсан мен ўзбек тилини мукаммал билган, Ўзбекистонда камида ўн йил яшаган, ўзбек миллатига мансуб республикамиз фуқароси ўз номзодини қўйиши мумкин, деган фикрни билдирардим. Қоларверса президентликка номзод кўрсатаётган жамоа ва давлат ташкилотлари юз минг имзо тўплаши керак деган модда ҳам пухта ўйланган деб бўлмайди. Бу жуда оғир масала. Шунинг учун бу рақамни 50 мингга қисқартириш керак. Халқимиз умумхалқ референдумида Қонун лойиҳаси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини атрофлича баён этишига ишончим комил.

Сессия тўла эркинлик руҳида ўтди, десак муболаға эмас. Сабаби депутатларимиз ҳаётимизда рўй бераётган камчиликларни ҳам тўла очиб ташладилар. Уларни бартараф этиш чоратадбирлари кўрилади деган умиддаман.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов сессия тугагандан сўнг депутатларнинг саволларига жавоб берди. Депутатлар Президентдан ҳар ойда вақт топиб уларни қабул қилишини талаб этишди. Президент бунга розилик берди ва у республикамизда давом этаётган чайқовчилик каби иллатларга, шаҳар ва қишлоқларда рўй бераётган ноҳақликларга барҳам бериш масъулиятини депутатлар зиммасига юклади.

Биз ва ватандошларимизнинг асрий орзулари ушалди. Ўзбекистонимиз мустақиллиги эълон қилинди. Шу мустақилликни сақлаб қолиш учун республикамиз равнақини, миллатлар келажагини ўйлаб, Президентимиз атрофида бирлашишимиз, Президент даъват этганидек, барчамиз бир жон, бир тан бўлишимиз даркор.

«Ўзбекистон овози»га обуна бўлдингизми?

МУШТАРИЙ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Мен «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 16 йиллик мухлисиман. Бу йил ҳам биринчилардан бўлиб унга ёзилдим. Рўзнома узоқ йиллар давомида республиканинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маиший ҳаётининг ҳақиқий кўзгуси, ўлка меҳнаткаш халқининг том маънодаги овози бўлиб келди. Бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Айниқса у «Ўзбекистон овози» номи билан чиқа бошлаганидан буён рўзномада яхши ўзгаришлар рўй бераётир. Буни ҳар бир муштарий ҳам сезиб турибди.

Мавзунинг ранг-баранглиги ва кўплиги, воқеаларга ҳоживжавоблик, янги рукунларнинг чақнаб туриши ва эътиборни тортиши, мазмун ва мундарижанинг бойлиги равнақ топаверса рўзноманинг қадр-қиммати ошаверади. Назаримда республиканинг оқсоқол нашри «Ўзбекистон овози» ана шу тарзда бошқа нашрларга ўрнак бўлиши керак.

Мен рўзноманинг «Ўзбекистон овози» деб янги ном олганидан ғоят фахрландим. Яна бир таклифим шуки, газета номи пештоқида машҳур ўзбек адиби Ойбекнинг: «Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди...» деган мисраси қўйилса, узукка кўз қўйгандек бўларди. Бу менинг шахсий фикрим. Шундай қилинса, мустақиллик йўлига ўтиб, шу ўлка тупроғида зар ундиришни орзу қилган Ўзбекистон халқларининг бундан буёнги ниятига ҳам мос келарди. Фикрим муштарийлар ҳукмига ҳавола этилса, ғоят миннатдор бўлардим.

Ч. ПИРНАЗАРОВ.
Сурхондарё вилояти Гагарин райони.

ҒАМХЎРЛИК

● ҒАЛАБА районидаги Калинин номли давлат хўжалигида истиқомат қилувчи қариялар ва фахрийларга хўжалик маъмурияти томонидан жуда кўп қулайликлар яратилган. Бу ғамхўрликдан мамнун бўлган фахрийлар баҳоли қудрат қишлоқ хўжалигини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшиб келяптилар. Шунинг учун ҳам совхозда йиллик планлар доимо ошиғи билан уддаланиб, каттагина даромад олинаётир.

Рўзнома ва ойномаларга обуна бўлиш қизғин давом этаётган ҳозирги пайтда совхоз маъмурияти қарияларга яна бир қулайлик яратди. 30 нафардан зиёд Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийлари «Ўзбекистон овози» рўзномасига бепул обуна қилиндилар.

Х. ЗОКИРОВА.

* * *

● **Қирқ йилдан буён рўзномангизга канда қилмай обуна бўламан.**

Мени айниқса инсон ва қонун, одоб-ахлоқ, оила, дин, байналмилал мавзулардаги мақолалар қизиқтиради. Рўзномада шунингдек, ўтмиш маданиятимиз, санъатимиз, тарихимизга оид мақолаларни ҳам ўқишни истайман. Маҳалламизда «Ўзбекистон овози»ни кенг тарғибот қиляпмиз. Шу кунгача 50 дан ортиқ кишининг унга ёзилишига эришдик.

Н. ИНОҚОВ,
Андижон шаҳри.

ФАХРИЙЛАРГА БЕПУЛ ОБУНА

Хўжалигимиз Мирзачўл қўриғидаги тўнғич жамоалардан бири. Чўлга ҳал қилувчи ҳужум бошланган йиллари республикамизнинг турли жойларидан қалби қайноқ азаматлар келиб, бу ерни обод этишган. 30 йиллик давр мобайнида хўжалик ўсиб ўлғайди, ривожланди. Биз жумҳуриятимиздаги кўпминг сонли муштарийлар қатори, «Ўзбекистон овози» рўзномасини алоҳида меҳр билан ўқиб борамиз. Чунки бу рўзнома чўлқуварлар меҳнатини элга танитишда жуда кўп ҳисса қўшганлигини яхши биламиз.

Ҳозирги иқтисодий танглик даврида одамларимизнинг турмуши анча қийинлашиб қолди. Илгари бир неча рўзнома ва ойномаларга ёзилган оилалар эндиликда бир ёки икки нашрга обуна бўлишга ҳам имкон тополмаяптилар. Хўжалик касаба уюшмаси қўмитаси шуларни ҳисобга олиб, 40 нафар ёрдамга муҳтож, камхарж оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, Афғонистонда хизмат қилган жангчиларга ёрдам тариқасида уюшма жамғармаси ҳисобидан «Ўзбекистон овози» рўзномасига бепул обуна қилишга қарор этди.

Биз республикамизнинг бош рўзномаси бўлмиш «Ўзбекистон овози»ни кўпдан севиб ўқиймиз ва келажакда унинг янада мазмунли, оддий меҳнаткашларнинг ҳаёти, турмуш ташвишлари, ғам ва шодликларига доимо шерик бўлиб қолишига астойдил ишонамиз.

Карим ЭШҚУЛОВ,
Ильич районидаги «Правда» номли давлат хўжалиги касаба уюшмаси раиси.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕДА СУҲБАТ

Марказий телевидение 28 сентябрь кечки кўрсатувларда ўз мухбирининг СССР Президенти билан қилган суҳбатини эшиттирди. Қуйида шу суҳбатнинг матни келтирилади:

Мухбир: Михаил Сергеевич, республикаларнинг мустақиллигини ҳисобга олсак, мамлакатда кўп ҳокиминятчилик вужудга келди, деб айтиш мумкин. Бундай вазиятда СССР Президенти аниқ-равшан тарзда қандай ҳокиминятга эга ва марказнинг иқтисодиётни бошқаришга таъсир этиш имкониятлари қандай?

М. С. Горбачев: Шу муносабат билан мен энг аввало Давлат Кенгаши ҳақида ўйлаяпман, Кенгашда мамлакат Президенти билан республикаларнинг Президентлари ёки Олий Кенгашларининг Раислари баҳамжиҳат ишлайди. Давлат Кенгашига ички ва ташқи сиёсатнинг барча қалтис масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган.

Шу маънода Давлат Кенгашининг топшириқлари ва у қабул қилган қарорлар иқтисодий шартномага тайёргарлик кўришнинг биринчи босқичи тугалланишига олиб келди. 3 октябрь куни республикаларнинг Раислари шартномани имзолашга узил-кесил тайёрлаш учун бу ерга келадилар. Мана сизга дастлабки натижа, ахир бу жуда муҳимку.

Мухбир: Битта аниқ савол берсам майлими? Ҳар ҳолда шартнома қачон имзоланади, деб ўйлайсиз?

— Иқтисодий шартномами?

Мухбир: Ҳа.

М. С. Горбачев: Октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида имзоланса керак, деб ўйлайман. Дарвоқе Иттифоқ ҳокимият тузилмалари аввалгиларидан энг аввало республикаларнинг кучларини бирлаштириши билан фарқ қилишини яна бир марта таъкидлашни назарда тутяпмиз. Янги анъанани жорий этишни ҳам ўйлаб турибмиз: муҳим ҳужжатларни ва эҳтимол учрашувларни республикаларнинг пойтахтларида навбатма-навбат ўтказиш анъаналарини қўллаймиз. Чамаси, мазкур шартномани Олмаотада имзоласак керак.

Мухбир: Навбатдаги савол. Фуқароларнинг жиддий можаролари натижасида мамлакат анча оғир аҳволни бошидан кечиряпти. Афсуски, бундай аҳволнинг янада чуқурлашиш эҳтимоли ҳам бор. Мазкур вазиятни барқарорлаштириш борасидаги Президентнинг дастури қандай?

М. С. Горбачев: барча сингари мен ҳам ана шундай вазият юзага келганидан қайғуряпман. Шу муносабат билан катта миқёсдаги бу масалаларни уйғунлаштирган ҳолда ҳаракат қилиш ниятидамиз. Биринчи шартнома — Иттифоқ шартномаси, бошқаси — Иқтисодий шартнома, иқтисодий иттифоқимизда эса республикаларнинг кучғайратларини бирлаштириб, жамиятдаги кескинликни тугатишни ўйлаб турибмиз. Бундан ташқари кескинликни тугатиш юзасидан сиёсий ва ҳуқуқий тусдаги тадбирларни қўлламоқчимиз. Мана шу жараён доирасида Россия ва Қозоғистон раҳбарлари билан келишиб олган эдик. Тўғри, бу август воқеаларигача бўлган гап, узоқ ва оғир кечаётган Тоғли Қорабоғ тевараги да можарони бартараф қилишга киришиш тўғрисида келишиб олинганди.

Биласизми, ҳозир энг муҳими барча минтақаларда энг қийин масалаларни ҳал қилишга киришилса ёмон бўлмасди. Айниқса гап ҳокимият тўғрисидаги, сиёсий кучларнинг гуруҳ-гуруҳларга ажралиши тўғрисидаги масала ҳақида бораётган жойларда, ҳар ҳолда қонуний, конституциявий йўл билан ҳал қилиш керак.

Мухбир: Сўнгги савол. Президент ҳузурида Сиёсий Маслаҳат Кенгаши тузилди, унга жуда машҳур одамларимиз киришди, айни вақтда ишбилармонлар кенгаши ҳам тузилди. Сиз бу кенгашлардан қандай аниқ ёрдам кутяпсиз?

М. С. Горбачев: Сиёсий Маслаҳат Кенгаши Президентга мунтазам, доимий асосда одамлар билан маслаҳатлашиш имконини беради. Улар ўз тажриба ва билимлари, тасаввурлари билан Президентга вазиятни тўғри тушуниш ва тўғри баҳолашда ҳамда тўғри қарорлар ишлаб чиқишда, хатоларга йўл қўймасликда ёрдам беришлари мумкин.

Мухбир: Айни вақтда ўз обрў-эътиборлари билан жамиятга муайян таъсир кўрсатишга ҳам...

М. С. Горбачев: Шубҳасиз. Яқинда Президент ҳузурида иккита кенгаш тузишни назарда тутаётганимни айтгандим. Биноборин бу жамоатчилик кенгаши бўлади. Бу кенгаш ишбилармонликни қўллаб-қувватлаш ва унга кўмаклашиш билан шуғулланади. Унда, мазкур кенгашда иқтисодиётнинг барча соҳаларининг, ишбилармонликнинг барча шаклларининг вакиллари бўлади. Бу эса муҳимдир.

Лекин мен яна бир нарсани назарда тутяпман: Президент ҳузурида, аввал айтганимдек, Ер ислоҳоти кенгаши ҳам албатта бўлиши керак. Деҳқончилик соҳаси вакилларининг ўзидан шундай таклиф бўляпти.

Мухбир: Суҳбатингиз учун катта раҳмат.

(ТАСС).

Қўшработ районидаги Очил Қодиров номли давлат хўжалиги чорвадорлари қишловга пухта ҳозирлик кўришмоқда. Бу ерда озуқа жамғариш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланилмоқда.

СУРАТДА: ем-хашак тайёрлаш ишлари қизғин.

Е. БОТИРОВ сурати.

Воқеалар, янгиликлар, ҳабарлар

РЕСПУБЛИКАЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ ОЛМАОТАДАГИ УЧРАШУВИ

Олмаота, 1 октябрь. (ТАСС махсус мухбири Николай Железнов). 12 республика раҳбарлари Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг «Иқтисодий битимнинг сўнгги нусхасини муҳокама қилиш учун учрашиш» тўғрисидаги таклифига жавобан Олмаотага келдилар.

Учрашув расмий жиҳатдан Қозоғистон тадқиқотчи космонавти Тўқдакгар Авубакиров иштирокидаги экипажнинг чоршанба куни Бойқўнғир космодромидан қиладиган парвози вақтига тўғриланган. Лекин Қозоғистон Президенти учрашувни очиш чоғидаги кириш нутқида айтганидек, «Бунда мамлакатнинг суверен республикалари ҳамдўстликнинг янги даражасига парвоз қилишига умид рамзи бор». Ҳозир бизда иқтисодий ҳамкорликнинг мутлақо янги пойдеворини қўйиш, 1992 йилга савдо-иқтисодий битим моделини ишлаб чиқиш учун имконият мавжуд, деди у.

Келинглар, бизнинг мустақиллик сари қонуний интилишларимиз халқларнинг тинчлик ва дўстликда яшашдек азалий орзуларига зид бўлмаслиги учун келишиб олайлик, деб мурожаат қилди Қозоғистон Президенти республикаларнинг раҳбарларига.

Атиги икки республика — Литва билан Эстония Олмаотага ўз делегацияларини юбормади. Бироқ, Қозоғистон Президенти аппаратида ТАСС мухбирига маълум қилишларича, Болтиқбўйидаги ана шу республикаларнинг раҳбарлари таклифномаларга ўз жавобларида бундан кейинги у ёки бу шаклдаги учрашувларда ўзларининг иштирок этишларини истисно этмасликларини билдирганлар.

Ўн икки республика раҳбарларининг амалий учрашуви тўрт соат давом этиши кутилмоқда. Унда мамлакат халқ хўжалигини оператив бошқариш комитетининг раиси Иван Силаев иштирок этмоқда.

АТЛАСНИНГ ЯНГИ ТУРЛАРИ

● ФАРҒОНАДА янги номдаги атлас турлари пайдо бўлди. Улар «Сайқал», «Пахтаой», «Хосиятхон», «Одми» номи билан аталяпти. Бу жилвали атласларнинг бунёдкорлари «Одил» кичик корхонасининг қўли гул усталаридир.

Кичик корхонани ташкил этиш учун шаҳар Офицерлар уйининг бир қисми ижарага олинди. Корхона ишини бошлаб олиши учун вилоят ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти ҳамда унинг техника тараққиёти бўлими биргаликда етмиш минг сўм қарз бериб турди. Бу маблағга зарур ускуна ва хом ашё сотиб олинди.

Корхонанинг илғор тўқувчилари Ойдина Мадалиева, Олимахон Муллажонова, Муҳайё Раззоқова ҳозир кунига 8—10 метрдан сифатли атлас яратишмоқда.

КОНСЕРВА ЗАВОДИ

● ОЛОТ районида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи консерва заводи қурилиши бошланди. У Олот ва Қоракўл районлари деҳқонлари етиштирган маҳсулотларни қайта ишлайди. Корхона қуввати йилига беш миллион дона шартли банка консерва тайёрлашга мўлжалланган. Бу ерда турли мева шарбатлари, мурабболар, помидор, бодринг консервалари ишлаб чиқарилади. Қурилиш қиймати 6 миллион 334 минг сўмдан иборат бўлган заводни райондаги хўжалик ҳисобида ишлаётган қурилиш участкаси ҳамда Олмалиқ шаҳридаги «Стальмонтаж» қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тиклаяптилар. Корхонанинг биринчи навбатини келгуси йилнинг айни пишиқчилик даврида фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

ҲУНАРДАН УНАР

Бухорода бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳунар-техника таълими муаммоларига бағишланган халқаро конференция очилди. Анжуманда корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, халқ таълими тизими ходимлари ҳамда Италия, Франция, Канада, Сингапур, Хитой ва Японияда халқаро меҳнат ташкилоти мутахассислари қатнашмоқдалар.

Конференцияни очиш чоғида Бухоро вилоят Советининг раиси Д. С. Ёдгоров анжуман қатнашчиларига табрик сўзлари билан мурожаат қилди. Ҳунар-техника таълими билим юртларини битирганларнинг деярли 40 фоизи ҳар йили ўз касби бўйича ишга жойлаша олмаяпти. Бунинг сабаблари кўп: халқ хўжалигининг ишчи ходиларга эҳтиёжини аниқлайдиган аниқ тизимнинг ўзи йўқ, бўлажак мутахассисларни тайёрлаш даражаси талабга жавоб бермайди.

Нотиқлар таъкидлаб ўтдиларки, бозор муносабатларига ўтиш ҳунар-техника таълими шакллари ва усулларини такомиллаштиришни, бу соҳада кўпгина мамлакатларда тўпланган тажрибадан фойдаланишни талаб қилади.

Бухородаги анжуман режаси уч кунга мўлжалланган бўлиб, сўнгра унинг қатнашчилари Самарқанд ва Тошкентда анжуман ишини давом эттирадилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари А. Р. Отажонов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КАРВОНБОШИ

«Победа» жамоа хўжалиги пахтакорлари Тўртқўл районида биринчи бўлиб теримни бошлаб юборган эдилар. Машина теримида ҳам шу хўжалик карвонбоши.

Жамоа хўжалиги пахтакорлари 870 гектар майдондан 1870 тонна пахта етиштириб, унинг етмиш фоизини машиналар ёрдамида териб олишга қарор қилишган.

Механизаторлардан Ш. Ёқуббоев, Ҳ. Қурбоновлар ўз агрегатлари бункеридан кунига беш-етти тоннадан пахта тўкиб, мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. О. Собурова бошлиқ оилавий звено бир иш кунида йиллик режасини ошириб бажарди. Улар яна уч тонна пахта топшириб, умумий ҳосилни 11 тоннага етказишмоқчи.

Хўжалик бўйича кунига икки фоиздан пахта тайёрланмоқда.

А. БЕКЖОНОВ.

«ЁШЛИК» ХИЗМАТДА

● ФАРҒОНА гўшт комбинати ўзининг фирма дўконига эга бўлди. У «Ёшлик» номи билан атала бошлади. Эндиликда ушбу дўкон пештахталарида комбинатнинг иккинчи даражали, фондсиз маҳсулотлари шаҳарликлар дастурхонини тўкин қилади. Бу ерда мол капласидан тайёрланган колбасалар, турли рулетлар, эритилган ёғ маҳсулотлари ҳамда мол суякларидан ишланган 8—10 турдаги турли ёдгорлик буюмлари мунтазам сотилади.

Комбинатда махсус дўкон учун маҳсулот тайёрловчи бўлимлар ташкил қилиниб, уларнинг ёрдамида аҳоли истеъмоли учун кунига 1—1,5 тонна атрофида маҳсулот чиқарилмоқда.

Янги дўкон учун алоҳида бино қуришга ҳожат бўлмади. Шаҳардаги «Горпишчеторг»га қарашли бино сотиб олиниб, қайта таъмирланди. Комбинат ана шу дўкон ҳисобига ҳар ойда 10 минг сўм фойда кўриши кўзда тутилган.

(ЎзТАГ мухбири).

НАМАНГАН—ШЭНЬЯН: АЛОҚА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Наманган вилояти саноат корхоналари вакиллари Хитой Халқ Республикасида бўлиб қайтишди. Узаро манфаатли асосларда қўшма корхоналар барпо этиш ҳақидаги ҳужжатлар имзоланди.

Уйчи шойи тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмаси, абрли газламалар комбинати ва машинасозлик заводи раҳбарлари Хитойда бўлганларида турли маҳсулотлар тайёрланиши жараёнлари билан танишдилар. Вакилларимизда сифатли рангбўёқлар, суньий толалар ва сочиқ тайёрлаш технологияси катта қизиқиш уйғотди.

Наманганда Хитойдан келтириладиган дастгоҳ ҳамда ускуналарни ўрнатиш учун бино ҳозирлаб қўйилди. Маҳаллий кадрларга турли касблар ўргатувчи мутахассисларни қабул қилишга ҳам ҳозирлик кўриб қўйилди. Хитойлик мутахассисларнинг йил охирида келиши кутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Наманганга юборишга танлаб олинаётган моллар. 2. Дандун шаҳар Совет-Шарқ савдоси Гуандун гуруҳи бўлими бош директори Зау Ионхи ва Уйчи шойи тўқиш бирлашмаси директори Воҳид Қаҳҳоров.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) олган суратлар.

• Нуқтаи назар •

КУЧИМИЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ БИРДАМЛИГИДА

Олий Кенгашимизнинг олдинги сессиясида биз Ўзбекистон давлат мустақиллигининг асослари тўғрисидаги Қонунни қабул қилдик. Мустақилликка эришиш халқимизнинг асрлар давомидаги эзгу ниятидир. Халқимизнинг бу нияти рўёбга чиқаяпти. Мустақиллик жамиятда янгича қарашларни шакллантирмоқда. Халқ орасида ифтихор туйғуси жўш урмоқда. Бу — табиий ҳол. Ўзбекистон мустақиллигини бутун жаҳонга тарқалган қон-қардошларимиз ҳам алоҳида хушнудлик ва олқишлар билан кутиб олдилар. Шундай қутлуғ кунларда бутун жаҳондан туркистонлик ўзбеклар Тошкентга келишди. Аждодларимиз орзу қилиб етолмаган мустақиллик бугун бизларга насиб қилган экан, қаерда яшашимиздан қатъи назар, мустақилликнинг бундан буёнги тақдири учун жавобгарлик масъулияти зиммамизда турганини унутмайлик. Мустақилликни амалга ошириш йўлида Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида катта қадамлар босилмоқда. Лекин бу ҳаммага ҳам ёқмаяпти.

Хўш, мустақиллик йўлида бизларни нималар кутмоқда? Дунё тарихида ҳеч бир давлат ўзи қачонлардир босиб олган ва қўлга киритган иккинчи бир давлатга ихтиёрий мустақилликни инъом этмаган. Биз шуни тушуниб ета олдикми?

Мустақиллик — бу бахт қуши Ҳа, бахт қуши халқимиз бошига қўниб турибди. Бахт қушини тутиб қолмоқ оғирдир. Кўпинча бахтга етдим, деганларнинг бурни қонаган. Халқимиз бошига қўнган бахт қушини сақлаб қолиш шартларидан бири — иттифоқликдир. Иттифоқлик, якдиллик, баҳамжиҳатлик йўқ жойда бахт қўним топмайди. Ўзоққа бормайлик. Бизнинг кўз ўнгимизда бир ёқадан бош чиқарган халқларгина мустақилликни қўлга киритдилар. Тарихда бошқача мисоллар ҳам кўп. Мустақиллик аввало ўз ичидан емирилган. Кўп ҳолларда уни ташқаридан отилган ўқ тешиб ўта олмаган, қилич кеса олмаган. Четдаги кучлар ўз мақсадларига эришишда, у ёки бу халқнинг мустақиллигини барбод этишда унинг ичидаги ноаҳилликдан, томонларнинг тортишувларидан, келишмовчиликлардан фойдаланган. Ноаҳиллиқ — мустақилликнинг биринчи ва энг хавфли душмани эканлигини биз тушуниб етмоғимиз даркор! Шу ўринда ватандошимиз Абдурауф Мақсудийнинг Ўзбекистон телевидениеси орқали қилган чақириғи ёдга тушади: «Азизлар, мустақиллик йўлида биз — барча яхши ниятли кишилар бирлашмоғимиз керак! Барча гина-кудуратларни четга суриб қўймоғимиз керак».

Атрофга назар ташланг: Молдавияда, Гуржистонда, Тожикистонда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилайлик. Бу жумҳуриятлардаги ички вазиятнинг кескинлашувида четдан таъсир кўрсатаётган кучларнинг қўли кўриниб турибди. Улар «Известия», «Комсомольская правда» рўзномалари орқали бизнинг жумҳуриятимизни ҳам тинч қўймаяптилар. Улар ўз режаларини амалга оширишда айрим норасмий уюшмаларнинг раҳбарларини ишга солмоқдалар. Кейингилар эса улар айтган йўлдан бормоқдалар. Айрим диндорларимизнинг сиёсий ғўрлигидан фойдаланиб, уларни сиёсий курашга тортмоқдалар. Бу эса биз қабул қилган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар» тўғрисидаги Қонунимизга хилофдир. Ёки куни кеча Душанбега Россия демократик партиясининг раҳбари Травкин ва бошқа «ғамхўрларнинг» келганини олайлик. Улар у ерга тожик халқининг ғамини еб бордиларми? Йўқ, албатта.

Четдан ҳаракат қилаётган кучларнинг мақсади бизга аниқ: республикамизнинг мустақиллик йўлида ташлаётган қадамларини кесиш, жумҳуриятимиздаги бойликларга эгаликни, бутун ҳудудда ўз сиёсий таъсирини сақлаб қолиш, халқнинг якдиллигига зарба бериш ва ҳоказо. Мана, қаранг, яқинда «Известия» рўзномасида босилган Э. Шеварднадзе ва А. Бессмертних жанобларининг фикрича, жумҳуриятларга тўла мустақиллик бериб бўлмас экан. Улар шундай дейдилар: «...сиёсатни мувофиқлаштирмасдан туриб, бирорта республика тегишли халқаро даражага кўтарила олмайди. Ҳа, республикаларга уларнинг бошқа давлатлар билан икки томонлама муносабатларида кўп нарса бермоқ керак... Аммо мувофиқлаштирувчи, бир-бирига тортиб турувчи роль марказ қўлида бўлмоғи керак. Иттифоқ ва Россия Ташқи ишлар министрликлари таркибан қўшилмоқлари (интеграциялашуви), бошқа давлатлар билан муносабатларга боғлиқ кўпгина масалаларда муштарак мавқеларни ишлаб чиқмоқлари, музокаралар олиб боришнинг Иттифоқ — Россия қўшма механизмини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир». Бошқа жумҳуриятлар эса, бу кимсаларнинг фикрича зарурат туғилган ҳолда бу ишда қатнашишлари мумкин экан. («Известия», 28 сентябрь, 1991 йил). Мана гап қаерда. Ёки ҳаммага маълум бўлиб қолган Вижутович деган журналистни олайлик. У кечагина Ўзбекистон ҳақидаги ғирт бўҳтондан иборат «Узиб қўйилган вагон» сарлавҳали мақоласида мустақиллик борасидаги қадамларимизни қоралади, митингбозликка, тўполонларга даъват қилди. 27 сентябрда у тарих фанлари доктори А. Кивининг «Ҳокимият кучли бўлмаса у инқирозга учрайди», деб номланган мақоласининг шарҳловчиси сифатида майдонга чиқди. У Москвада интизом ўрнатилишини, митингбозликлар тугатилишини талаб қилади. Демак, бизларда ур-йиқиту марказда тинчлик бўлиши керак экан-да!

Биз ўзаро курашиб-талашсак, халқ парчаланади, мустақиллик қўлдан кетади. Мустақилликни фақат якдил, ҳамжиҳат халқ сақлаб қолиши мумкин. Чўлпон «Халқ денгиздир, халқ қудратдир, халқ кучдир» деб бежиз айтмаган.

Бугун чақириқ-бақириқлар замони эмас. Ҳар қачонгидан ҳам кўра иттифоқлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик қилиш замони келди. Мустақиллик — бахт қушини тутиб олмоқ учун ҳаммамиз баравар интилмоғимиз шарт. Бахт қушини йўқотган авлодни шу қуш деб жон фидо қилган аждодлар руҳи, келажак авлод сира ҳам кечирмайди. Мустақиллик мукофот эмас. У — меҳнатда, сабру-бардошда, донолик билан олиб бориладиган сиёсатда.

Шуни ҳам айтиш керакки, биз учун энг тўғри йўл — халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлашимиз лозим. Шундай иш олиб бориш зарурки, республикада вазиятни кескинлаштиришга уринаётган кимсаларнинг бутун қилмиши, асл мақсадини халқимиз билсин ва кўрсин, улар ҳақида ўзининг тегишли хулосасини чиқариб олсин.

Биз ниҳоятда оғир ва мураккаб даврда яшаяпмиз. Мустақиллик ҳаммамизнинг зиммамизга ғоят масъулиятли вазифаларни юклаяпти. Халқимизнинг якдиллиги, ҳамжиҳатлигисиз бу вазифаларни бажариш қийин. Мана шуни асло унутмайлик.

Ш. ЗИЁМОВ,
Ўзбекистон халқ депутати, профессор.

• ЛУҚМА

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Ўзбекистонимизнинг мустақил республика, деб эълон қилинганлиги корхонамиз жамоаси аъзоларининг барчасини ғоят хурсанд қилди. Мустақиллик! Бу сўз нақадар жарангдор эшитилади. Халқимиз узоқ йиллардан бери интилган истиқлол, айниқса, бизнинг тармоқ учун сув билан ҳаводек зарур эди. Чунки оёқ-қўлларимиз кишанланган, ихтиёримиз марказга боғлиқ эди.

Фабрикамиз ҳар йили 18 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради. У ўн минг тоннага яқин толани қайта ишлаб, ундан момиқ тайёрлаш, деган гап. Ана шу маҳсулотнинг 50 фоизига яқини ҳар йили вагонларга ортилиб, РСФСР ва бошқа жумҳуриятларга жўнатиларди.

«Узтекстильторг» раҳбарияти биз хоҳлаймизми, йўқми ҳар йили тепадан туриб ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг деярли ҳаммасини давлат буюртмаси сифатида қабул қилиб олади. Ҳатто корхонанинг эҳтиёжи учун зарур бўлган ишларда ҳам ўз имкониятларимиздан етарлича фойдала олмаймиз. Рухсат йўқ. Менимча, бўзчи белбоғга ёлчимайди, деб шунга айтсалар керак.

Фабрикамизда турли миллат вакиллари меҳнат қилаётир. Улар миллати ва элатидан қатъи назар аҳил ва иноқ, бир оила фарзандидек бир-бирини ҳурматлайди, қадрлайди.

Сиёсий, иқтисодий ва маънавий эркинликни қўлга киритган халқимиз кўп нарсаларга умид боғламоқда. Аҳил бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб астойдил тер тўкишимиз керак, шундай қилсак, мустақиллик йўлида муваффақиятларга эришаверамиз, ҳаммаси ўзимизга боғлиқ.

Қ. ЭРНАЗАРОВ,
Қамаши момиқ фабрикаси директори.

ДЎКОНДАГИ МАШМАША

Республикамиз пойтахтининг кўпгина районларидаги дўконларда аҳолини турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга баҳоли қудрат интилиш сезилиб турибди. Лекин баъзи жойларда бу муҳим иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлиги ҳам кўзга ташланмоқда.

Октябрь райони озиқ-овқат савдоси бошқармасига қарашли 25-дўкон фаолиятига бир назар ташланг. Ушбу савдо маскани ҳудудида яшайдиган аҳоли ўз талонига ҳафталаб, ойлаб маҳсулот ололмасдан оворaю-сарсон. Бундай номаъқулчиликнинг сабаби нимада эканлигини мазкур дўкон мудирасидан суриштиришга тўғри келди:

— Қанд, шакар, ёғ нега йўқ? Ахир одамларни ҳадеб овора қилиш инсофдан эмаску?

Мудира Мира Ғуломовна Умрзоқова эса саволимизга пинагини ҳам бузмай, зарда билан жавоб қайтарди:

— Базада йўқ, ўртоқ, беришмаяпти, буни ўзингиз ҳам тушунишингиз керак.

— Қайси базадан ололмаяпсиз, ахир? Сўраб-суриштирайлик. Бошқа дўкон пештахталарида бундай маҳсулотлар турибди-ку.

Мудира бу саволимизга энди бошқачароқ тарзда жавоб топди:

— База бизга оз-оздан беряпти,келган пайтда хабар олиб туринг-да. Ахир биз олиб бориб бермаймиз-ку сизларга.

Хуллас, дўкон мутасаддиларининг гапида тайин йўқ. Дўконда тухум, сарёғ, аъло сифатли гуруч ва бошқа маҳсулотлар анқонинг уруғига ўхшайди. Унинг ўрнида эса мита босган қора ун, ярмидан кўпига оқшоқ аралаштирилган гуруч, албатта бўлади. Бундай ҳолатни кўриб, ногаҳон шунақанги маҳсулотларни одамларга тавсия қилиш инсофданми, дейишингиз турган гап.

Лекин бундай саволни бериш ҳам жоиз бўлмаса керак. Чунки халқни назар-писанд қилмайдиган, уларнинг дардини тушунмайдиган дўкондаги бундай кимсаларга «инсоф» деган табаррук иборани ишлатишнинг ўзи ҳам инсофдан эмас.

М. САФАРОВ,
харидор.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ

30 сентябрь куни Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойи Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Уставини тайёрлаш юзасидан тузган комиссияларнинг навбатдаги мажлислари бўлди.

Ишчи гуруҳлари тайёрлаган ҳужжатларнинг бир неча лойиҳаси кўриб чиқилди. Бўлиб ўтган муҳокама натижаларини, мажлис қатнашчилари айтган мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, яқин вақт ичида уларни узил-кесил ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис съездига тайёргарлик кўрувчи ташкилот комитетининг муҳокамасига киритишга қарор қилинди.

ВИЛОЯТ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Қарши шаҳрида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари халқ депутатлари вилоят Совети ижроия комитетининг, халқ депутатлари шаҳар ва район Советларининг «Иш билан таъминлаш» комплекс дастурини қандай бажараётганликлари ҳақидаги масалани муҳокама қилдилар.

Вилоят Совети социалистик қонунийлик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссиясининг иши тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Советининг раиси Т. П. Хидиров нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ ЯҚИНДА БИР НЕЧА ЯНГИ КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ.

«ХАЛҚ ОҚСОҚОЛИ»

Тошкентдаги халқ оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ўй-музейига қадам ранжида қилсангиз, биринчи ўзбек Президентининг ҳаёти ва фаолияти билан яқиндан танишасиз. Бу ерда — ҳужжатлар, суратлар, хотираларга кенг ўрин берилган. Биринчи ўзбек Президентини яхши билган ва у билан бирга ишлаган кишилардан бири Расул Ғуломовдир. Нашриёт унинг «Халқ оқсоқоли» хотиралар рисоласини ўзбек ва рус тилларида чоп этди.

Рисола Йўлдош Охунбобоевнинг камтарлиги, ҳамиша одамлар даврасида бўлиши ва шу билан бирга ишбилармонлиги ҳақида ҳикоя қилади. У улкан қурилишлардаги жонбозликлар, уруш йилларидаги фидойиликларга оид тарихий суратлар билан тўлдирилган.

«САРҒАЙМАС САҲИФАЛАР»

«Эй, дунёдаги барча тириклик сувларидан ортиқроқ меҳр-мурувват чашмаси!

Эй, сен янграганда ҳатто булбулу, қумрилар ҳам лол қоладиган оҳанграбо қўшиқ!

Эй, ибтидоси оналар билан бўлган, интиҳоси мутлақо йўқ муқаддас, эзгу тилаклар хазинаси!»

Бу сатрлар ёзувчи, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси мукофотининг совриндори Темур Убайдуллонинг «Сарғаймас саҳифалар» суҳбатлар, эссэлар китобига кирган «Она алласи» бадиасидан олинди.

Т. Убайдулло сиз ва биз учун манзур бўлган кўпгина асарларнинг яратилиши ҳақида ҳикоя қилади, асар қаҳрамонлари, ёзувчини яхши билган дўстлари ва рафиқалари билан дардлашади. «Шоҳнома», «Хамса», «Фарғона тонг отгунча», «Синчалак», «Ҳазрати инсон» каби асарларнинг яратилиш тарихи ҳақидаги далилларни муаллиф зарралаб тўплаган. Камдан-кам одамларга маълум бўлган бу далиллар китобнинг қизиқарли чиқишига ёрдам берган.

Китобнинг иккинчи фасли эса «Саҳна айланади» деб номланган. Унда «Тановар», «Муножот», «Тоҳир ва Зуҳро», «Маҳаллада дув-дув гап», «Отелло» ва бошқа саҳна асарларининг яратилиш тақдири билан ўртоқлашилади.

«УМРИМ ЗИЙНАТИ»

Иқтидорли шоира, Тошкент вилояти Ленин комсомоли мукофоти совриндори Умида Абдуазимованинг «Умрим зийнати» китобига кирган мақолалар ўзбек аёлларининг бугунги турмуш тарзига бағишланган. Шоиранинг «Мен онамга ўхшайман», «Сизни бахтим дегандим», «Тўйга айтиб кетишди», «Ота — ҳаёт боғбони» сингари мақолаларида аёлнинг жамиятимиздаги мавқеини ҳар жиҳатдан таҳлил этишга ҳаракат қилади. Унинг тўпламга кирган очерклари ва публицистик мақолаларида ватанпарварлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари ҳам кўндаланг қўйилган.

Кўзи тўқнинг ўзи тўқ

● Ўлкамизда айни куз: далалару боғларда етилган сабзавот меваларни нобуд қилмай, йиғиштириб олиш давом этмоқда. Асосий экинимиз — пахта терими қизғин. Суръат отига қамчи босаётган илғор бригада ва звенолар, хўжаликлар йиллик режани уддалаб қўйишди. Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги миришкорлари ҳам ҳосил йиғим-теримини тезкорлик билан олиб бормоқдалар.

БАҒРИ КЕНГГА — КЕНГ ДУНЁ

ХЎЖАЛИК далаларида терилган ҳар бир килограмм сифатли пахта учун 40 тийиндан пул тўланаётгани айни муддао бўлди. Механик-ҳайдовчилар ҳам кунлик суръатни ошириб бормоқдалар.

Жамоа хўжалигида сабзавот, полиз экинлари ҳам етиштирилади. Бугунги кунгача бу борадаги режалар ортиғи билан бажарилди. Яна бир техника экини — каноппоя етиштиришда ҳам бу хўжалик илғорлар қаторида. Шуниси диққатга сазоворки, бу экин ҳам пахта билан баравар етилади. Шу маънода олганда хўжаликдагилар каноппи қисқа муддатда ўриб олишди. Айни пайтда унинг сўнгги тонналари қабул пунктларига етказиб берилмоқда.

Ҳозир асосий эътибор пахта теримига қаратилган. Айни кунларда 16 та пахта териш машинаси юксак унум билан ишлатилмоқда. Холбой Пардаев, Жамбул Эшмирзаев, Абдуғаффор Қорабоев бошлиқ бригадалар кунига йиллик режанинг уч-тўрт фоизи миқдорида пахта тайёрлашмоқда.

Ўтган йили жамоа хўжалиги аъзолари пахтачиликдан яхши даромад олишди. Чунончи, улар ишлаб топилган ҳар бир сўм иш ҳақига қўшимча равишда бир ярим сўмдан 2 сўм 10 тийингача қўшимча ҳақ олишди. Масалан, ижарачи Ирисбой Шомуродовни олайлик. У 10 гектар майдонда пахта етиштириб унинг ҳар гектаридан 32 центнердан ҳосил кўтарди. Бу оила аъзоларига катта даромад келтирди. Зеро ҳосилдорликни ошириш туфайли ижарачи иш ҳақининг ҳар бир сўмига 2 сўм 30 тийиндан қўшимча ҳақ олди.

Бироқ ҳозирги шароитда фақат пахтадан келган даромаднинг ўзи кифоя эмас. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда хўжаликда одамлар турмушини яхшилаш учун бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Шу боис хўжаликда каттагина майдонда пиёз ҳам етиштирилди. Муҳими шуки, хўжалик режани бажариб бўлгач, ҳосилнинг асосий қисмини колхозчиларга тарқатмоқда. Чунончи, хўжаликда ишлайдиган ҳар бир кишига 100 килограммдан пиёз тарқатилди. Омборда эса қиш учун 30 тонна пиёз сақлаб қўйилди. Зарурият туғилганда хўжалик ҳудудида жойлашган боғча, мактаб, шифохоналарга ана шу маҳсулот етказиб берилади.

Айни пайтда бозорда фалон пул бўлиб турган картошка ҳам хўжалик аъзоларига муаммо бўлмай қолди. Бинобарин шу ерда етиштирилган маҳсулот ҳар бир оилага 100 килограмм миқдорида тарқатилмоқда. Ҳозиргача далалардан ўртаки картошка йиғиштириб олинди. Яқин кунларда кечки картошкага ҳам комбайнлар киритилади. 30 тонна картошкани қишга сақлаб қўйиш мўлжалланмоқда.

Энди жамоа аъзолари гуручни ҳам шу ердан оладилар. Яқинда 5 гектар майдонга экилган шолига ҳам ўроқ тушади. Устига-устак қўшни Ғалаба районидан маҳсулот айирбошлаш йўли билан бошқа дон маҳсулотлари ҳам қишлоқ меҳнаткашларига тортиқ этилади.

Булар республикамиз Президентининг «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги Фармонини бажариш йўлидаги қадамлардир. Айни пайтда аҳолининг шахсий чорваси учун ҳам ем-хашак ва турли озуқалар тарқатилмоқда.

Лекин, келажакда яна қилинадиган ишлар бор. Ахир қачонгача қўшни хўжаликлардан дон олиб келиш мумкин? Ҳозирданоқ 15 тонна ғалла уруғлик учун ажратилди. Яқин кунларда ана шу уруғлик далаларга сепилади. Демак, келгуси йилда ҳам деҳқон кўнгли тўқ бўлиши мумкин.

Чигит экиладиган майдонлар бирмунча қисқартирилиб, ўрнига аҳоли эҳтиёжи учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилаётгани айни муддаодир. Келгуси йили ҳам сабзавот, чорва озуқаси, картошка экиладиган майдонлар кенгайтирилади. Жамоа хўжалиги тарихида биринчи марта ғалла экиладиган майдонлар 120 гектарга етказилади!

Булар хўжаликда инсон омилига эътибор тобора кучайиб бораётганидан далолатдир. Булардан ташқари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадларига бир миллион сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланиши фикримизни исботлаб турибди. Бу даромаднинг анчагина қисми йўлларни асфальтлаш, хонадонларни газлаштириш, турли маданий-маиший бинолар қурилишига сарфланмоқда. Дарвоқе, шу кунгача хўжаликдаги хонадонларнинг 80 фоизига табиий газ кириб борган.

— Бу йилги қиш қаттиқроқ келиши кутилмоқда, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Эргаш Эсонбоев. — Зеро, қишга ва келгуси йил ҳосилига пухта тайёргарлик кўриш айни шу кундаги долзарб вазифалардан биридир. Шу мақсадда аҳолининг эҳтиёжлари ўрганиб чиқилиб, Ангрен шаҳридан 70 тонна кўмир олиб келиш ҳақида шартнома туздик. Унинг барини аҳолига тарқатамиз.

Ҳақиқатан ҳам раис айтганидек, бу ғамхўрликлар изсиз кетмаяпти. Бунга биз хўжаликда энг илғор ҳисобланган 9-бригада аъзолари билан ҳамсуҳбат бўлганимизда ишонч ҳосил қилдик.

— Жумҳуриятимиз Президентининг ғамхўрлигидан беҳад шодмиз— дейди механик-ҳайдовчи Эрали Ўрмонов. — Бу бизни янги ютуқларга илҳомлантиради. Зеро, мен ўтган йили 163 тонна пахтани ўз машинам бункеридан ағдарганим учун енгил автомашина билан тақдирлангандим. Бу йил ҳам ғайратни бўшаштирмаяпман. Мавсум охиригача 170 тоннадан зиёд пахта териб беришни мўлжаллаб турибман. Ҳозирча кунига 10 тоннадан пахтани хирмонга элтяпман. Менинг мусобақадошим Баҳодир Хўрозов ҳам бир кунда 10 тоннадан пахта термоқда. Агар шундай ишлаб турсак, бригадамиз режаси 10 кун ичида бажарилади.

— Мавсумни ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил олиб якунлаш режамиз бор, — суҳбатга қўшилди ижарачи Ирисбой Шомуродов. — Бу ўтган йилгидан анча кўп. Бунинг сабаби раҳбариятимиз бизга ғамхўрликни кучайтириб бораётганидадир. Раисимизнинг бағри кенг, нима бўлса ҳам бизларга бўлсин дейди. Бағри кенгга кенг - дунё, деб халқимиз бежиз айтмайди-да.

Жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 800 гектар ердаги ҳосилнинг 80 фоизини «зангори кема»лар бункеридан тўкишади. Аъзам Бўриboев, Абдували Саҳибоев, Зиёвуддин Ҳунаров сингари механизаторлар ҳар мавсумда 100 тоннадан ошириб пахта териб беришмоқда.

Яна бир гап. Бу йил хўжаликда тажриба тариқасида 340 гектар ерга «Қирғиз—3» навли пахта чигити экилганди. Бу майдонларда ҳам ҳосил чўғи баланд.

Демак, хўжалик пахтакорлари белгиланган 2100 тонналик хирмонни албатта бунёд этадилар, дейиш учун ҳамма асос бор.

А. МАННОПОВ,
Ш. МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

«Муталло...» — Т. ДАВЛАТОВ сурат-лавҳаси.

• Журналларнинг янги сонларида

«МУЛОҚОТ»

Жариданинг сентябрь ойи сони босмадан чиқди. «Мулоқот»нинг бу сони Алишер Навоий туғилган куннинг 550 йиллигига бағишланган. Муҳаррир минбари рукнида берилган «Шамсул миллат» ва «Нодонлиғ эрур элда маломатға далил» сарлавҳали мақолада Шарқнинг буюк алломаси ҳақида атрофлича фикр юритилиб, Алишер Навоийнинг асарлари жаҳон халқлари маданиятига катта ҳисса қўшганлиги таъкидлаб ўтилган. Шоирнинг ҳозиргача кўпчиликка маълум бўлмаган янги ғазаллари ҳам шу сондан ўрин олган.

Тошкент маданият институтининг ректори А. Тўраев журналда «Ҳолис баҳо қадри» сарлавҳали мақоласи билан қатнашган. Муаллиф ўз чиқишида кейинги вақтда матбуотда Шароф Рашидов хусусида турли хил фикрлар ўрин олаётган мақолаларга ўз муносабатини билдириб, Марказий Қўмитада ишлаган йилларидаги воқеаларга холис баҳо беришга ҳаракат қилади.

Публицист П. Шермуҳамедовнинг «Тарихнинг бир сабоғи» сарлавҳали мақоласи босмачилик ҳаракатининг шу пайтгача нотўғри талқин қилиб келингани ва мозийга бу борада чалкаш фикрлар киритилгани ҳақидадир. Шунингдек ёзувчи Р. Отаулининг «Ўттиз бўлайлик», А. Ҳасаннинг «Ҳукм бекор қилинди», А. Нурмуродовнинг «Қувонч садоси», И. Усмоновнинг «Соҳилга интилаётган тўлқинлар» сарлавҳали мақолалари ҳам журналдан ўрин олган.

ЯНГИ НОМДА

Тошкент вилоятидаги Оржоникидзе номи билан аталиб келинган район ўзининг қадимги Қибрай номини олди. Академик Бўрибой Аҳмедовнинг изоҳлашича, Қибрай сўзи икки хил маънога эга. Биринчиси «Туркий уруғ» бўлса, иккинчиси «Қуброо» яъни улуғ, обрўли деган маънони билдиради. Агар бу ерда 1725 йили элда машҳур Қибрай ботир яшаганлиги ҳисобга олингудек бўлса, ушбу фараз ҳақиқатга анча яқин.

Шунингдек, Қибрай район Кенгаши нашри «Коммунизм тонги» рўзномаси «Давр овози» номи билан чиқа бошлади. Рўзноманинг саккиз саҳифадан иборат бу сони Ўзбекистон республикасининг мустақиллик санасига бағишланди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

САВДОДА ДИЁНАТЛИ БЎЛАЙЛИК

«Ўзбекбирлашув» тизимига қарашли бир неча ташкилот 1991 йилнинг биринчи ярми иш якунларига кўра юксак молиявий-хўжалик ютуқларига эришганликлари учун «Центросоюз»нинг фахрий дипломи ҳамда биринчи пул мукофотлари билан тақдирландилар. Ўзбекистон Республикасидан Олот, Янгиқўрғон, Риштон районлари матлубот жамиятлари уюшмалари, Тошкент вилоятидаги районлараро база шундай мукофотларга сазовор бўлди. Мухбиримиз ютуққа эришган жамоалардан бири — Янгиқўрғон район матлубот жамияти бошқаруви раиси О. ТЎЙЧИБОЕВга бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Ойбек Турғунович, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида молиявий аҳвол оғирлашган, кўпгина халқ истеъмоли моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллашган маҳалда бундай катта ютуққа қандай эришилди?

— Чиндан ҳам, мамлакатдаги иқтисодий танглик вазияти, истеъмол бозоридаги номутаносибликнинг кучайиши, пулнинг қадрсизланиши барча соҳалар каби савдога ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис ҳам биз халқимизнинг: «Ўзинг учун ўл етим», деган доно мақолига амал қилиб, ўз куч-ғайратларимиз, ички резервларимизни тўла ишга соляпмиз. Районимиз матлубот жамиятлари уюшмаси бундан уч ярим йил муқаддам вилоятимизда барча кўрсаткичлар бўйича энг охирги ўринларда эди. Мамлакат миқёсида биринчи мукофотни олиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. 1988 йилда матлубот жамиятининг хўжалик-молиявий аҳволи жуда оғир эди. Миллионлаб сўм қарзлар, камомадлар, хўжасизлик ҳукм сурарди.

Мана шундай кўплаб камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатъий тадбирлар белгиланиб, изчил амалга ошира борилди. Молиявий интизом кучайтирилиб, мол айланиши режалари мунтазам бажарила бошлади. Бунда биз савдо шохобчаларини ижара муносабатларига ўтказишга алоҳида эътибор бердик. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, пулли хизмат кўрсатишни кўпайтириш жадал йўлга қўйилди. Натижада фойда олиш режалари ҳам ойма-ой бажарила борди. Айниқса, савдодаги энг ёмон иллат — камомадларга чек қўйилди. 1991 йилнинг биринчи ярмида хўжалик ҳисобидаги нон комбинати тўлалигича, савдо шохобчаларининг эса 90 фоизидан ортиғи зудлик билан ижарага берилди. Ҳозирга келиб бирорта ҳам зарар кўрсатиб ишлаётган ташкилот ёки савдо шохобчаси қолмади. Амалга оширилган шу каби ишлар туфайли матлубот жамияти ходимлари кейинги уч йилдан бери ҳар ойда мунтазам равишда ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида мукофот олишмоқда.

Бундан ташқари уч ярим йил бурун районимизда савдо майдони вилоятда энг кам — ҳар минг кишига 81,5 квадрат метрни ташкил этган. Ваҳолонки вилоят кўрсаткичи 131 квадрат метр эди. Молиявий аҳволнинг яхшиланиб бориши натижасида янги дўконлар қуриб, савдо майдонини кенгайтиришга имконият яратилди. Кейинги уч йилда асосан қишлоқларда 23 та катта ва кичик дўконлар қурилиб ишга туширилди ва бунинг учун 984 минг сўм маблағ сарфланди. Шу туфайли савдо майдони бир йўла 101 квадрат метрга кенгайди.

— Айтингчи, республикамиз Президентининг аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича фармонлари савдо соҳасида сизнинг районингизда қандай бажариляпти?

— Фармонларни бажаришда бизнинг зиммамизга тушадиган масъулият юки жуда оғир. Чунончи, бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта қилдириш, камқонли ҳомиладор аёлларни бепул озиқ-овқат билан таъминлаш, аҳолига эса чорва молларини боқиши учун омухта ем, кунжара, шелуха сотиш, ишсизларга иш топиб бериш, биринчи марта никоҳдан ўтаётган келин-куёвларга гилам ва мебелни имтиёзли баҳода, нархидан 1,5 минг сўм чегириб сотиш, аҳолига энг зарур ўн бир хил озиқ-овқат маҳсулотларини меъёри билан сотиш кабилар биз бажарадиган шундай юмушлар қаторига киради. Масалан, йил бошидан буён биз бир неча кичик корхона ва цехлар қуриш эвазига 200 нафар кишини иш билан таъминладик. Ҳозир уларнинг меҳнати билан ҳар ойда 25 минг сўмлик 16 хил ноозиқ-овқат маҳсулоти ишлаб чиқарилмоқда.

Аҳолига энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини меъёри билан сотиш ҳақидаги фармонни бажаришга эса алоҳида эътибор бериляпти. Аслида биз 1991 йил 1 январидан бошлабоқ, республикамизда ҳали ҳеч қаерда талон билан озиқ-овқат маҳсулотлари бериш тартиби жорий қилинмасидан илгари районимизда беш хил асосий маҳсулотга талон тартибини жорий этгандик. Ўшанда биз ун, гуруч, ёғ, шакар, совунни қатъий тартиб ва меъёр билан сота бошлагандик. Муайян тажрибамиз борлиги туфайли шу йил апрель ойидан бошлаб ўн бир хил озиқ-овқат маҳсулотини меъёр билан сотиш тартибини ҳам вилоятда биринчи бўлиб жорий қилдик. Ҳозирги кунда ун, гуруч, ўсимлик ёғи сотишда узилиш бўлаётгани йўқ, аммо совун, макарон, айниқса, шакар маҳсулотлари билан таъминлашда анча қийинчиликлар бўляпти.

Фурсатдан фойдаланиб, республикамизда умуман барча савдо ходимларини ташвишлантираётган бир неча муаммоларни айтиб ўтмоқчиман. Чунки буларни аҳолн ҳам билиши керак. Масалан, бизда миллий калиш, пахтадан тайёрланадиган материаллар таъминотида катта қийинчиликлар мавжуд. Айниқса, катта размердаги калишлар савдога келтиришга доир. Биринчи бор никоҳдан ўтаётган келин-куёвларга гилам ва мебель маҳсулотлари етказиб беришда анча қийналяпмиз. Сабаби — таъминот ёмонлигида. Масалан, ўтган ярим йилликда районимизда 750 дан ортиқ никоҳ қайд қилинди. Шулардан атиги 304 таси гилам билан таъминланди, холос. Қолганлари, очиғи, сарғайиб навбат кутишмоқда. Бир районда шунча киши бўлгач, вилоят, республика бўйича ҳисобланса, навбат кутаётганларнинг қанчалигини ўзингиз хомчўт қилиб олаверинг. Шу боис ҳам менда ана шу навбат кутаётган келин-куёвларга уларнинг розилиги билан гилам ёки мебель ўрнига янги рўзғорлари учун зарур бўлган тикув машинаси, телевизор, музлатгич каби бошқа бир неча буюмларни ҳам сотишни йўлга қўйса бўлмасмикин, деган фикр туғилди. Ёки келин-куёвларнинг хоҳишларига қараб уларга гилам ва мебелдан чегириладиган маблағнинг ўзини ҳам бериш мумкин. Юқори ташкилотлар бу ҳақда ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

— Аҳолини имкони борича кўпроқ моллар, озиқ-овқат, қандолатчилик маҳсулотлари билан таъминлаш учун уюшма бошқарув ҳайъати томонидан нима ишлар қилинмоқда?

— Фонд бўйича олинадиган маҳсулотларга қараб ўтирмай, республикамиз ташқарисидан, бошқа минтақалардан шартнома тузиш ёки мол айирбошлаш йўли билан турли-туман маҳсулотларни олиб келиб сотишга алоҳида эътибор беряпмиз. Масалан, ўтган йили Россиядан 50 тоннадан ортиқроқ қандолатчилик маҳсулотлари, 2718 куб метр тахта, 1365 куб метр ёғоч, Қозоғистондан 1 миллион 50 минг дона тухум, Грузиядан 46 тонна чой, Қорақалпоғистондан 152 тонна гуруч, фоддан ташқари Тошкентдан 56 тонна кулинар ёғи, 12 тонна сариёғ, жами, 2,5 миллион сўмликдан ортиқ моллар, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиб, аҳолига сотилди. Ўтган олти ойда эса қурилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотларидан жами 2 миллион сўмликка яқин молларни фоддан ташқари олиб келиб, район аҳолисига сотишга муваффақ бўлдик. Лекин аҳолининг жуда катта талаб-эҳтиёжлари олдида булар ҳали жуда кам. Келгусида ана шундай мол айирбошлашга эътиборни янада кучайтирамиз.

— Ойбек Турғунович, тўғри, сизлар савдо хизматини яхшилашга астойдил интиляпсизлар экан. Лекин барибир савдо хизмати соҳасига нисбатан шикоят ва арзлар аҳоли томонидан ҳамон камаймаяпти. Сиз бу ҳақда нима дейсиз? Қандай қилиб савдо маданиятини ошириш мумкин?

— Саволингиз ўринли. Ҳақиқатан ҳам, аҳоли томонидан арз ва шикоятлар кўп. Шуни рўй-рост айтишим керакки, савдо ходимлари ўртасида харидорлар ҳақига хиёнат қилаётган нопок кимсалар, тақчил молларни яшириб қўйиб, қўрқмай жиноятга қўл ураётганлар, минг афсуски, оз эмас. Кўплаб диёнатли савдо ходимларининг юзини ерга қаратадиган, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўладиганлар ҳам шундайлардир. Ҳозирги танг вазиятда бундай савдо ходимларига орамизда ўрин бўлмаслиги керак. Шу ўринда мен бир нарсани таъкидламоқчиман. Илгарилари, ҳозир биз турғунлик деб атаётган даврда ҳақиқатан ҳам савдо ходимларининг ойлик маошлари жуда ҳам оз бўлган, бор-йўғи 60—70 сўмни ташкил этган. Балки ўша пайтда қандайдир қинғир йўлларни қидиришга мажбур бўлингандир, лекин ҳозир-чи? Ҳозир сотувчиларнинг ойлик маоши ўртача 350—500 сўмни ташкил этмоқда. Яна қандай ойлик керак? Менимча, ҳар бир виждонли савдо ходими бундан ўзига хулоса чиқариб олиши лозим. Ўз касбининг обрўси учун жон куйдирмайдиган, савдо маданиятини билмайдиган ходимларни энди кечириб бўлмайди. Ахир, Ўзбекистон деган макон мустақил бўлди, кўкрагига шамол тегди. Энди биз кимни алдаймиз? Қора кўзларни-ми? Ўз-ўзимизни, биров-бировимизними? Мустақил давлатда биз билан елкама-елка заҳмат чекаётган дўстларимизни-ми? Қолаверса, қадим-қадимдан уддабурон, ишбилармон бўлган, ҳалол-покиза, айни пайтда ўта маданиятли савдо қилган халқмиз — савдода донг таратган ўзбеклармиз. Ота-боболаримизнинг омонатга, бировнинг ҳақига заррача бўлса-да хиёнат қилмайдиган савдо анъаналарини тиклашимиз лозим.

— Савдо соҳасидаги турли текширишлар ва назоратларга қандай қарайсиз?

— Юқорида таъкидлаганимдек, соҳамизни текшириб турмаса бўлмайди. Биз бунга қарши эмасмиз. Лекин, ҳозирги пайтда бизнинг фаолиятимизни 5—6 хил текшириш органлари ва ташкилотлари тафтиш қилмоқда. Айниқса, ҳозирги кунда текшир-текширлар шундай кўпайиб кетганки, ҳатто бир кунда битта дўконга уч-тўрт мартадан ҳам комиссия келаётган ҳоллар бўляпти. Бу билан биринчидан, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга, яхши ишлашга қўйишмаяпти. Иккинчидан, кўпчилик сотувчи ва дўкон мудирларининг ишдан қўллари совимоқда. Шу боисдан ҳам ишдан бўшаш учун аризалар бериш кескин кўпайди. Менимча, битта дўконни битта комиссия кўриб, пухта, ҳалол-покиза текшириб кетдими, орқасидан иккинчиси келмаслиги керак. Камчиликни тузатиш учун маълум бир муддат ҳам бериш керак-ку, ахир. Кейин ўша муддатдан сўнг қайта текширилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки айнан ҳозирги кунда пештахта ортида эртадан-кечгача турib ишлаш, одамларнинг ноўрин таъна-дашномларини эшитиш бизга осон бўлмаяпти. Зеро, халқимизнинг «Қозонда бўлса, чўмичга чиқади», деган доно мақолини ҳам унутмайлик. Шунга қарамай, биз яқин вақтларда маҳсулотлар кўпайишига ишонамиз.

— Келгусидаги режалар ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз?

— Яқин орада савдода фонд деган нарса бўлмайди. Шунинг учун биз имконият даражасида халқ истеъмоли молларини бевосита ишлаб чиқариш, кичик корхона ва цехлар ташкил этиш йўлидан боришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўяяпмиз. Мол айирбошлаш ҳисобига четдан мол олиб келишни янада кўпайтиришни, имкони борича чет элларга ҳам чиқишни кўзлаяпмиз. Бунинг учун ҳозирдан бўрдоқичилик базамиз ҳудудида ипак қурти боқиб, пилла тайёрлаш ниятимиз бор. Шу мақсадда эрта баҳорда уч гектар ерга тут ниҳоллари ўтқаздик. Ҳозир уни парвариш қиляпмиз. Тутлар ҳосилга киргач, пилла ишлаб чиқариш кичик корхонаси қурамиз. Шунингдек, фойдаланилмай ётган мавжуд биноларда атлас, гилам, хом ғишт ишлаб чиқариш цехлари ташкил этиш учун ҳам пухта замин ҳозирляпмиз.

Хуллас, молиявий-хўжалик соҳасидаги ютуқларимиз туфайли эришган бу мукофот зиммамизга катта масъулият юклайди, савдода доимо куч-ғайрат, тадаббус ва тадбиркорлик кўрсатиб ишлашимизни талаб этади.

Суҳбатдош О. НАЗАРОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

• Тадбиркорлар бор бўлсин

КОМБИНАТ — ЖАМОАТ МУЛКИ

«Узагротранспе ц с т р о й» трестининг Самарқанддаги қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати жамоа мулкига айланди. Корхонадаги асосий фондлар нархи 2,5 миллион сўм, деб баҳоланди. Маблағнинг ярмидан кўпини трест тўлади.

Бу фикр ҳам ўз-ўзидан юзага келгани йўқ. Қарийб бир йилдирки, комбинат ижара пудратида ишлайди. Ишчилар оз бўлса-да, иқтисодий мустақилликнинг ҳадисини олишди.

— Тўғри, ўша жой, ўша дастгоҳ, ўша одамлар, — дейди комбинат директори А. Насриддинов. — Эҳтимол, айримлар янгиликнинг самарасини тезда сезмас. Аммо яқин ўртада биримиз икки бўлади.

Биринчидан, фойда олгандан кейин жонимизни жабборга бериб ишлаймиз, хўжасизлик барҳам топади. Иккинчидан, бошқа корхоналар билан тўғридан-тўғри шартнома тузамиз. Учинчидан, ташқи иқтисодий банкларда ҳисоб очишимиз мумкин.

Корхонада машина-механизмларни таъмирлаш, яроқсизларини сотиш, янгиларини харид қилиш бошлаб юборилди. Аммо хом ашё масаласи муаммо бўлиб турибди. Ҳозиргача қум Термиздан, шағал Бекободдан келтирилади. Бир кубметр қум 5 сўм 70 тийин туради. Уни ташиб келтириш эса 15 сўмга тушаяпти. Очиғи, уловидан тушови қиммат. Шунингдек Жума ҳамда «Зарафшон» хўжаликлараро қум карьерлари билан шартнома тузилади.

— Ўзимизга тегишли барча асосий фондларни ўтган йилнинг кузида ижарага олган эдик, — дейди трест бошқарувчиси Роза Налбандян. — Фақат қурилиш материаллари комбинати эмас, вилоятдаги 13 та хўжаликлараро механизацилашган кўчма колонналари ҳам жамоанинг хусусий мулкига айлантирамиз. Ҳисоблаб кўрсак, бунинг учун 12 миллион сўм пул керак экан. Шунинг 5 миллионини ўзимиз топдик, 9 миллионни учун узоқ муддатли қарз олдик. 4 миллион сўмга ишчиларга акция сотдик.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

550

БУЮКЛАР БЕРГАН ХАЛҚ...

Сўз санъатининг буюк намояндаси Алишер Навоийнинг муборак 550 йиллик тўйи тантаналарида бир қатор чет мамлакатлардан, шунингдек, қардош республикалардан таниқли адибу шоирлар, адабиётшунослар, таржимонлар иштирок этишди. Улар орасида Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳридаги дорилфунун профессори, Яқин Шарқ мамлакатлари халқлари тиллари ва маданияти факультетининг декани, ўзбек адабиётининг океан ортидаги тарғиботчиси, яқин дўсти Ильза Сиртаутас ва Озарбайжон халқ шоири Халил Ризо ҳам бор эди. Мухбиримиз меҳмонлар билан учрашиб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олди.

ИЛЬЗА СИРТАУТАС:

— Ҳар бир халқнинг дунёга кўз-кўз қилса арзигулик, умуминсоний ғояларни асрлардан асрларга олиб ўтиб келадиган буюк инсонлари бўлади. Улар халқларни бир-бирига яқинлаштиради, қалбларни муҳаббат риштаси билан боғлайди. Шулардан бири ҳазрати Алишер Навоийдир. Ўзбекистонни умумжаҳон билан боғлашда унинг хизматлари беқиёсдир. Хусусан, бизнинг адабий алоқаларимизни ҳам унинг асарларисиз, номисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мамлакатимизда ўзбек халқи ҳаёти, маданияти, тарихи, тили ва адабиётига қизиқиш ниҳоятда катта. Шу сабабли факультетимиз қошида ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш программаси бор. Бу программа бўйича Америка Қўшма Штатларининг турли тарафларидан келган ўқувчилар, талабалар, ишчилар ҳар йили икки ой давомида — 22 июндан 22 августгача ўқишади.

Юртимизда ўзбек адабиётини ўрганишга қизиқиш катта. Талабаларимиз Ўзбекистон билан доимий мулоқотда бўлишни истайди. Лекин, афсуски, мулоқотга талаб кучайган сари баъзи бир қийинчиликлар ҳам пайдо бўлмоқда. Бу, хусусан, ўзбек тилидаги вақтли матбуот нашрларини олишимиз, Тошкент билан алоқа боғлашимиздаги мураккабликлардир. Кўпгина талабаларимиз ва шахсан ўзим Ўзбекистонда чиқадиган аксарият ойнома ва рўзномаларга обунамиз. Лекин уларни ўз вақтида ололмаймиз. Улар беш-олти ой кечикиб қўлимизга тегади. Ўзбекистон Алоқа вазирлиги ўзининг чет эллардаги муштарийлари, дўстларини ҳам унутмаса дейман.

Ўзбек адабиёти билан боғлиқ ўз ижодий режаларим ҳам кўп. Айрим асарларни таржима қилмоқчиман. Жумладан, Сталин қатағони туфайли ҳалок бўлган А. Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби ижодкорлар асарларини, шунингдек, Ҳ. Қодирийнинг «Абдулла Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира китобини ўгиришга ҳаракат қиляпман.

Алишер Навоий 550 йиллигига тайёргарлик бизда ҳам йил бошидан бошланди. Мамлакатимизнинг кўплаб университетларида, кутубхоналарида навоийхонликлар бўлиб ўтди. «Колумбия» университетида шоир ижодига бағишланган илмий сессия ўтказилди. Унинг асарларидан парчалар таржима қилиниб нашр этилди. Факультетимизда ҳам навоийхонликлар бўлиб ўтди. Уларни ўтказишда бевосита ўзбек тилини яхши биладиган олимларимиз иштирок этмоқдалар. 9 февраль — Навоий куни деб эълон қилинди. Март ойида икки марта навоийхонлик суҳбати ташкил этилди. Апрель ойида эса «Алишер Навоий тўйининг Тошкентда нишонланиши» номли видеофильм намойиш қилинди. Ўзим «Алишер Навоий ва у яшаган даврда, Навоийни ўрганишга дебоча» мавзуида маъруза қилдим.

Навоийхонлик тантаналари йил охиригача давом этади.

Улуғ шоир тўйининг барча халқлар томонидан кенг нишонланиши ғоят эътиборли, қувончли. Лекин тўй муносабати билан мен кўнглимдаги бир саволни ҳам ўртага ташламоқчи эдим. Жаҳонга тенгсиз буюк сиймоларни, алломаларни етказиб берган ўзбек халқи орасидан нега қейинги даврларда уларга тенг келадиган муҳтарам зотлар етишиб чиқмаётибди ёки ниҳоятда кам. Ахир халқ ҳар бир даврда ўз навоийларига эга бўлмоғи керак эмасми? Ўтаётган тўй бизни ана шулар ҳақида ҳам ўйлашга ундайди.

Халил РИЗО:

— Алишер Навоийнинг 550 йиллиги нафақат ўзбек адабиётининг, балки бутун туркий халқларнинг тўйидир. Чунки унинг маданиятимиз, адабиётимиздаги хизматлари ҳақида гап борганда биринчи бўлиб туркий тилимизни нафис шеърият тилига айлантира олгани ҳурмат билан эътироф этилади. Бу ғоят тўғри эътироф. Маълумки, Навоийга қадар ўтган барча турк шоирлари — Жалолиддин Румий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Низомий, Ҳақоний кабилар ўз асарларини форс ва араб тилларида яратиб, ўз элларини бошқа тилларда улуғлаган бўлсалар, Навоий ўз элини ўз тилида улуғлади. Ўзидан кейинги улкан туркий маданият, адабиёт, санъат учун улуғ йўл очиб берди. Шу сабабли ҳам уни ўз салафларидан бир карра устун қўйса арзийди. У ҳақиқий маънода турк адабиётида Уйғониш даврини бошлаб берди. Унинг анъаналарини Фузулий, Огаҳий каби шоирлар давом эттирди.

Мен бугун, шоирнинг улкан тўйи кунларида унинг комил, етук инсон ғояси ўзбек туркларининг энг теран, покиза миллий туйғуларига, тушунчалари, ўз озодлиги, саодати учун тинимсиз фикрий курашларига ғоят ҳамоҳанг эканлигини яна бир карра яққол англадим.

Навоий каби улуғ ижодкорларнинг мангулиги шундаки, улар барча замонлар ва халқлар учун бирдай ҳизмат қила оладилар.



Журналист рассом Маҳмуд Жўраев буюк тарихий шахслар, машҳур замондошларимиз, меҳнат қаҳрамонлари сиймоларини акс эттирган асарлари билан танилган. У Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан ғазал мулки султонини ўзига хос тасвирлаган портрет-картинасини яратди.

СУРАТДА: М. Жўраевнинг «Алишер Навоий ижод оғушида» асарини кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

● ХОРИЖЛИК ҲАМКАСБЛАР ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА

ЎЛКАНГИЗ ҚУЁШГА БОЙ ЭКАН

Кейинги пайтда мамлакатимизда рўй бераётган воқеалар, жаҳон оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборини ўзига жалб қиляпти. Хорижий журналистлар Иттифоқимизнинг турли минтақаларида бўлиб, ижтимоий-сиёсий аҳвол билан танишишга интилмоқдалар. Яқинда жумҳуриятимизга шу мақсадда Франциянинг «ТФ-1» телевидениеси бир гуруҳ журналистлари ташриф буюришди. Мухбиримиз гуруҳ раҳбари Марина Жакмэн билан учрашди.

— Марина хоним, Ўзбекистон сафаридан таассуротларингиз қандай?

— Биз, француз журналистлари серқуёш жумҳуриятингизга биринчи марта ташриф буюрдик. Лекин сафар таассуротлари бир олам. Бундан илгари Москва, Озарбайжон, Грузия, Украина, Болтиқбўйи республикаларида бўлдик. Бу минтақалардаги аҳвол билан танишдик. Энди Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларида суратга олиш ишларини давом эттирамиз.

Гуруҳ таркибида мендан ташқари Патрик Дельпорт, Макс Иферган, Мари-Одил Шаптинель сингари журналистлар ҳам бор. Сафаримиздан асосий мақсад — Совет Иттифоқидаги ижтимоий-сиёсий аҳвол билан яқиндан танишиб, уни француз халқига телевидение орқали холисона етказишдан иборат.

Биз Ўзбекистоннинг турли жойларида бўлдик. Оддий одамлар, шу жумладан дин вакиллари билан суҳбатлашдик. Очиғини айтганда, Иттифоқнинг бошқа минтақаларига қараганда юртингизда аҳвол нисбатан барқарор. Бунга биз Коммунистик районининг «Политотдел» колхозига борганимизда гувоҳ бўлдик.

Энди суратга олинаётган репортажларга келсак, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳақидаги лавҳалардан иборат бўлади. Тўғри, жумҳуриятда ҳали камчиликлар, қийинчиликлар бир талай. Лекин қийинчиликлар бизда камми? Капиталистик дунё ҳам ҳали ончалик такомиллашгани йўқ. Менимча, эндиликда мустақил жумҳуриятингиз ҳам социалистик, ҳам капиталистик тузумнинг ижобий томонларини ўзига олса яхши бўлади.

А. БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Маданий алоқалар*

«ЛА БАРАККА»— ТОШКЕНТДА

Бир неча кундан бери Италиянинг «Ла Баракка» театри санъаткорлари республикамиз пойтахтида бир неча кун меҳмон бўлиб турди. Жамоатчи мухбиримиз мазкур театр мутасаддилари ва уларга раҳнамолик қилаётган мезбонлар билан суҳбатда бўлди.

Б. ҚОРИЕВА — Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси раиси: — Италия театр усталарининг Тошкентга ташриф буюриши Ўзбекистон Республикасининг мустақил, деб эълон қилинган кунларга тўғри келди. Меҳмонлар биз билан истиқлол қувончларини баҳам кўришяпти.

Сирасини айтганда, биз Ўзбекистонда Италия театрлари кунларини ўтказишни мўлжаллаган эдик. Зеро, ҳамма ерда бўлгани каби, иқтисодий қийинчиликлар бундай тадбирни бошқа муддатга қолдиришни тақозо этди. Шунга қарамай, мўлжалдаги 8 жамоа ўрнига Италиядан «Ла Баракка» театри ўз ихтиёри билан ташриф буюрди. Италия театри усталари ўз санъатларини Тошкентдаги «Илҳом» театр студияси саҳнасида намойиш қилишди.

Валерия ФРОБЕТТИ — «Ла Баракка» театри директори:— Дарвоқе бизнинг сафаримиз ўзига хос фестивал тусини олиши кўзда тутилган эди. Лекин биз бундай тадбирни ўтказиш учун ажратилган навбатдаги муддатни кутиб ўтирмай, ўз ихтиёримиз ва имкониятларимиз бўйича Тошкентга келдик. Ваҳолонки, Италия Маданият вазирлиги бизга моддий ёрдам кўрсатишдан воз кечди. Серқуёш диёрга бўлган чексиз қизиқишимиз бизни бу томонларга етаклади. Ташрифимиз Ўзбекистонда мустақиллик тан олинган пайтларга тўғри келганидан мамнунмиз. Биз Тошкентда театр мухлислари учун ўзига хос томошалар кўрсатдик.

Н. МАҲКАМОВА,
театршунос.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

СССР Алоқа вазирлиги
ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ
1991—1992 ўқув йилига
КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Илғор колхозчилар ва СССР Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилганлар орасидан саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, давлат ва жамоа хўжаликлари ҳамда ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг йўлланмаси билан келган тўлиқ ўрта маълумотли шахслар қабул қилинадилар.

Тайёрлов бўлимига кириш учун тавсияномалар ўқишга юбориш тўғрисидаги масала кўрилаётган пайтда камида 2 йиллик амалий меҳнат фаолиятига эга бўлган шахсларгагина берилиши шарт. Мазкур корхона (жамоа хўжалиги) да ишчи (колхозчи) вазифасидаги амалий меҳнат фаолияти сўнгги йил давомида узлуксиз бўлиши лозим (шогирд сифатидаги иш вақти тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди). Ўқишга юборилган колхозчилар ҳар бир тақвим йили учун ана шу жамоа хўжалигида белгиланган энг кам меҳнат кунларини ишлаб берган бўлишлари керак.

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИГА ЭГА БЎЛГАН ВА ҚУНДУЗГИ ЎРТА МАКТАБНИ 1991 ЙИЛДА БИТИРГАНЛАР ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНМАЙДИЛАР.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: ректор номига ариза, йўлланма (2 ёки 1, 4-илова), ўрта маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), иш жойи (ҳарбий қисм)дан тавсифнома, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбари тасдиқлаган кўчирма, 086/У шаклдаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги 8 та фотосурат.

АРИЗАЛАР — 1 ОКТЯБРДАН 10 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Математика ва физикадан суҳбат 20—25 ноябрь кунлари ўтказилади, тингловчилар сафига қабул қилиш— 25—30 ноябрь кунлари бўлади.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИНИ БИТИРИШ ИМТИҲОНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ТОПШИРГАН ШАХСЛАР ОЛИЙ БИЛИМГОҲНИНГ I КУРСИГА, КУНДУЗГИ БЎЛИМГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ, УМУМИЙ ТАНЛОВ ЙЎЛИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАР ОЙИГА 80 СЎМ ҲАЖМИДА СТИПЕНДИЯ БИЛАН, БОШҚА ШАҲАРДАН КЕЛГАНЛАР—ЕТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700087, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108-уй. Тайёрлов бўлими деканати. Маълумотлар олиш учун телефон: 35-36-06.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги
ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ТЕХНИКУМИ
1991—1992 ўқув йили учун
СИРТҚИ БЎЛИМГА
қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

«ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ», 8(9) — 11-синфларни битирганлар, бу бўлимда техник-гидротехниклар тайёрланади.

«ГИДРОМЕЛИОРАТИВ ИШЛАРНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ», 8 (9) — 11-синфларни битирганлар, бу бўлимда техник-механиклар тайёрланади.

Кирувчилар математикадан битта кириш имтиҳонини топширадилар, 8 (9) — 11-синфларни «4» ва «5» баҳолар билан битирганлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: маълумоти тўғрисидаги гувоҳнома ёки аттестат (асли), саломатлиги тўғрисидаги 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома, 3х4 см. катталикдаги тўртта фотосурат, директор номига ариза.

ҲУЖЖАТЛАР 1991 ЙИЛ 1 ОКТЯБРДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Амалий меҳнат фаолиятига эга бўлган шахслар жамоа хўжалиги ёки меҳнат дафтарчасидан кўчирма тақдим этадилар.

Паспорт, ҳарбий билет ёки чақириқ гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

Техникум манзили: Тошкент шаҳри, 7-алоқа бўлими, М. Горький шоҳкўчаси, 41-уй, метронинг «М. Горький» бекати; (6, 13, 22-трамвайларнинг «Морская» бекати).

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙГОҲИ
КЕЧКИ ПУЛЛИ ТАЙЁРЛОВ КУРСИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишга ўрта маълумотли фуқаролар ҳамда 11-синф ўқувчилари қабул қилинадилар.

Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида қуйидаги фанлар бўйича олиб борилади: кимё, биология, ўзбек тили ва рус тили.

Машғулотлар 15 октябрдан бошланиб, 8 ой давом этади. Машғулотларни олийгоҳнинг етакчи ўқитувчилари олиб борадилар.

Қабул учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ректор номига ариза, ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат нусхаси, 11-синф ўқувчилари учун мактабдан маълумотнома, турар жойидан маълумотнома, 2 та фотосурат (3х4 см).

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, С. Раҳимов райони, Фаробий кўчаси, 2-уй, ТошДавТОнинг бош ўқув корпуси.

Транспорт: (10, 82-автобуслар; 10-трамвай билан борилади).

● **АХБОРОТ**

«ИСТЕЪДОД» САХОВАТЛИ ЖАМҒАРМА

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олий билимгоҳи амалга ошираётган ибратли ишлар тилга олса арзигулик. Олий билимгоҳ раҳбарияти талабалар ва ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий шароитларини яхшилаш борасида муттасил иланмоқда.

Билим масканида «Истеъдод» саховатли жамғармаси ташкил этилганига ҳали унча вақт ўтгани йўқ. Лекин шунга қарамай жамғарма тез орада 1,5 миллион сўм маблағга эга бўлди.

— Боиси — тадбиркорлик, ишбилармонлик, — дейди олий билимгоҳ ректори муовини Абдусаттор Абдуғаффоров. — Шу кунларда Иорданиядан талабалар келиб қолади. Келишувга мувофиқ уларга етук мутахассис даражасида билим беришимиз учун Иордания давлати ҳар бир талаба учун бизнинг ҳисоб варақамизга 50 минг сўм миқдорида маблағ ўтказди. Яқинда масканимиз раҳбарияти Франция ва Германия давлатлари билан шартнома тузди. Бу давлатлар бизни замонавий техника билан таъминлайдиган бўлди. Албатта бунинг учун бизга доллар ҳисобида маблағ керак. Қидирган имкон топади, деганлари рост экан. Қозоғистоннинг «Каззаготхлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси учун икки кадр тайёрлашимиз 1 минг долларга эга бўлишимизга имкон берянти. Олий билимгоҳимиз чет эллардан келаётган ҳар бир талаба хусусида ҳам ана шундай шартномалар тузмоқда.

Жамғарма ўз маблағлари ҳисобидан олий билимгоҳ жамоасининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Жамғарманинг амалга оширган йирик ишларидан яна бири дам олиш масканининг қурилиши бўлди. Бу қурилишга 120 минг сўм маблағ сарфланди. Куни кеча ана шу маскан — маданий клуб-барнинг очилиш маросими бўлди. Маросимда уч авлод вакиллари учрашдилар. 30-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб тўқимачилик саноати учун мутахассислар тайёрлаш, ўқув-тарбиявий ишларини амалга оширишда, урушнинг оғир йилларида ҳалол меҳнат қилган Мажид Раззоқов, Фаина Кунгурцева, Аркадий Худковский, Григорий Иофе каби фахрийлар ва уларнинг шогирдлари — бугунги кунда олий билимгоҳда мутахассислар тайёрлаш бошида турган Султон Болтабоев, Нўъмон Фозилов, Юсуфжон Қирғизбоев, Иван Семянников, Дмитрий Котов каби устозлар талаба ёшлар билан бир пиёла чой устида суҳбатда бўлдилар. Олий билимгоҳнинг «Ипак парилари» дастаси аъзолари йиғилганларга шўх ва қувноқ қўшиқларини тақдим этдилар.

Бугунги кунда «Истеъдод» саховатли жамғармаси санаторий-профилакторий қурилиши устида иш олиб бормоқда.

М. КОЗИЕВ.

Давлат автомобиль назоратисиз йўлни бир тасаввур қилиб кўринг-а. Кўпинча ДАИ инспекторидан ҳайиққан ҳайдовчиларгина йўл-ҳаракати қоидаларига бўйсунишга мажбур бўладилар. Ҳолбуки, ҳар бир ҳайдовчи амалдаги қонун-қоидаларга амал қилишса кўпгина йўл фалокатлари рўй бермаган бўларди. Тезликни ошириш ва маст ҳолда руль бошқариш фалокатнинг асосий сабабчисидир.

Сиз ушбу суратда Ўрта Чирчиқ райони ички ишлар бошқармаси ДАИ ходимларидан С. Саидакбаров, Д. Эрназаров, Х. Мирзарахматовларни назорат пайтида кўриб турибсиз.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

БИЗГА РАВО КЎРИШМАЯПТИ

МУШТАРИЙ: ТАНҚИД ҚИЛАДИ

Ҳурматли таҳририят!

Мен саккиз боланинг онасиман. Фарзандларимдан қизим ва ўғлим турмуш қуришиб, мустақил ҳаёт кечиришмоқда. Қолган олти боламиз эса ўз қарамоғимизда. Шу йил 2 апрелдан бошлаб фарзандларимнинг бештасига 40 сўмдан, беш яшар кенжа ўғлим Рустамжонга эса 80 сўмдан, жами 280 сўм товон пули олаяпман. Бироқ ўзимга негадир, товон пули берилмаяпти.

Сабабини суриштирсам, сизнинг товон пулингиз ҳам, пенсиянгиз ҳам кенжа ўғлингизга тўланаётган 80 сўм ичида дейишди. Шахсий ишим — ҳужжатларимни Бойсун район ижроқўми меҳнат бўлимидагилар: «Бу киши кўп болали оналар ҳисобига кирмайди», деб қайтариб юборишди.

Армоним шуки, ўрта маълумотли бўлишимга қарамай, умрим бўйи ариза бериб ҳам бирор жойга ишга киролмадим. Ишламагач, маош ҳам йўқ эди, албатта. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида тиркчилик ўтказиш анча мушкуллашди. Шундай пайтда, хўжалик ҳам «пулимиз йўқ», деб атиги 60 сўм товон пулини биз оналарга раво кўрмаётгани алам қилади. Ахир, биз оналар еб-ичмаймизми, кийимаймиз-ми?

Бундан ташқари, биз 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар кийим-кечаги учун бериладиган нафақаларни ҳам ололмаяпмиз. Афсуски, бу иш ҳам ҳанузгача биз томонда жорий этилгани йўқ. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

О. БЕРДИЕВА,
кўп болали она.
Бойсун район, Мачай қишлоқ шўроси.

Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё илмгоҳи жамоаси илмгоҳнинг илмий ишлар бўйича директор муовини, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, микроэлементлар лабораториясининг мудири, профессор С. Т. Тўхтаевга онаси

Муаззам ШОИКРОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзсооветснаб» Жумҳурият ишлаб-чиқариш бирлашмаси жамоаси, шу бирлашмага қарашли Хонобод ветеринария дорихонасининг бошлиғи

Раҳматулла ЛУТФУЛЛАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлигининг «Ўзавтоходимлар» Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси шу соҳанинг кекса ходимларидан бири, Хоразм автомобиль ўқув юртининг раҳбари

Бекберген Ахунович БОБОЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти хўжалик моллари билан савдо қилувчи идорасининг ходимлари Бухоро хўжалик моллари билан савдо қилувчи базасининг раҳбари

Музаффар Мамадиевич АҲМЕДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

КЕМАДА МУСОБАҚА

● ҚОРА ДЕНГИЗДА сузиб юрган улкан кема — «Москва» авианосец крейсерида енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақаси ўтказилди. Сеул олимпиадасининг кумуш медали совриндори тошкентлик Радион Гатаулин оёғидан лат егани важидан мусобақада қатнашолмади. Лекин унинг ҳамшаҳарлари маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилишди. Жумладан, В.Ишутин билан Т. Семёнов бир хил натижа — 5 метр 60 сантиметрли маррани эгаллашиб, иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди.

ОЛТИН ВА БРОНЗА

● НОВОРОССИЙСК шаҳрида бокс бўйича СССР кубоги учун мусобақалар ўтказилди. Тошкентлик Артур Григорян ўз вазни бўйича ғалаба қозонди. Энди ғолиблар жаҳон чемпионатига тайёргарлик кўрадилар. Берлинда эса халқаро мусобақа ўтказилди. Бу ерда тошкентлик А. Хафизхўжаев ғолиблик супасининг учинчи поғонасига кўтарилиб, бронза медали соҳиби бўлди.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТЎХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиётда ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика—33-20-36, 33-12-56, 32-54-35,32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода—3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.

№ 6121

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12